

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК _____**

АБДУРАХИМОВА УМИДАХОН САДИКОВНА

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИЛИК ТАНИҚЛИ РАҲБАР ХОДИМЛАРНИНГ
ҚАТАҒОН ҚИЛИНИШИ, УЛАРНИНГ ТАҚДИРИ**

**Мутахассислик: 5А 120301 Ўзбекистон тарихи Магистри академик
даражасини олиш учун**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга қўйилди.
Ўзбекистон тарихи
кафедраси мудир
доц. М.Ғ.Абдуллаев**

**Илмий раҳбар
_____ проф. Р.Т.Шамсуддинов**

_____ «_____» _____ 2012

АНДИЖОН - 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....3-9

I-БОБ КАТТА ҚИРҒИН СИЁСАТИ ВА УНИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ ХОЛАТИ, МАНБАЛАР ТАХЛИЛИ

1.1. “Катта қирғин”нинг юзага келишидаги тарихий шароит ва сабаблар.....10-23

1.2. Хориж ва ўзбек тарихшунослигида “Катта қирғин” талқинлари.....24-37

II-БОБ ОММАВИЙ ҚАТАҒОН СИЁСАТИ ВА УНИНГ АНДИЖОНДАГИ ОҚИБАТЛАРИ

2.1. 1937-1938 йилларда қатағон қилинган андижонликлар.....39-55

2.2. Қатағон қилинганларнинг худудий, ижтимоий, миллий таркиби.....56-61

ХУЛОСА.....63-65

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....66-68

ИЛОВАЛАР.....69-75

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик йилларида республикамызда туб ислохатларни ўтказиш жараёнида миллий тикланиш, маънавий янгиланиш ва миллий ўзликни англаш ва эркин тафаккурга эга бўлган жамият аъзоларини тарбиялаш каби улуғвор ишларда тарих фанинг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Президентимиз Ислоом Каримовнинг **“Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”** номли асарида эл-юртимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида кўплаб маъшум хатарларни бир неча бор кўргани, уларнинг жаюру жафосини тортгани ҳақида тўхталиб мана бундай деб ёзган эди: *“Биз ўз тарихимизни йўққа чиқара олмаймиз. Бу тарихимизда ҳам қаҳрамонона, ҳам фожеали саҳифалар кўп бўлди. Ахир, кекса авлодларнинг, ота-боболаримизнинг кураши ва меҳнатини инкор этиб бўладими? Улар ярим феодал ҳолидаги қолоқ мамлакатни ижтимоий ва илмий-техникавий жиҳатдан тараққий этган замонавий даражага кўтардилар. Бу аниқ-равшан далилни ҳеч ким рад қила олмайди.*

Айни вақтда социалистик қурилишнинг кўпгина босқичларида қўпол ҳатолар ва бузилишларга йўл қўйилганини ҳам ҳеч ким, ҳеч нарса шубҳа остига қўя олмайди.

Бу ҳато ва жиноятларнинг илдизлар ўтмишга бориб тақалади.”¹

Инсоният тарихининг кўп асрлик тажрибаси эзгу ғоялардан, соғлом мафкурудан маҳрум бирор-бир жамиятни узоққа бора олмаслигини кўрсатди. Шу боис мустақиллик туфайли мамлакатимиз ўз олдида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олиш, демократик жамият қуриш каби эзгу мақсадларни қўйди. Ушбу мақсад ва вазифалар юртбошимиз И.А. Каримов ташаббуси ва раҳнамолиги остида жадал сурталар билан бажарилмоқда.

Истиқлол йилларида тарихий жараёнларни ўрганишда эскириб қолган, ҳаёт синовидан ўта олмаган методология ўрнини тамоман янгича методология эгаллай бошлади. Ватанимиз тарихини холисона ва ҳаққоний ёритиш борасида ҳам, нисбатан қисқа давр ичида ниҳоятда катта ва кенг кўламдаги илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди. Амалга оширилган ушбу ишларда Ўзбекистоннинг яқин даври тарихи, яъни мустабид совет тузуми даври, хусусан Ўзбекистон совет истибдоди давридаги тарихимизнинг аламли ва қайғули саҳифаларидан бири 1937-1938 йиллар “Катта қирғин” сиёсати тарихини ўрганиш ва уни ҳаққоний тарзда ёритиб бериш асосий ўрин эгаллайди.

Мустабид совет тузуми даврида ушбу катағончилик сиёсатига мутлақо махфийлик тамғаси босилиб, сир сақланиб келинган. Яъни мустақилликка эришилгунгача бўлган

¹ Ислоом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. “Ўзбекистон” Тошкент, 2011. 165-бет.

даврдда ушбу сиёсатни ўрганиш ва унинг бутун совет ҳукуматида яшовчи барча миллат вакиллари хусусан ўзбекларнинг ҳам ушбу “Катта қирғин” сиёсатининг қурбони бўлганлиги оммадан яшириниб келинган.

Ушбу сиёсатни ҳалқ оммасига келтирган маънавий ва моддий зарари ҳақидаги Президент Ислоҳ Каримов шундай деган: “1937-1938 йилларда собиқ СССР ҳудудида мудҳиш оммавий сиёсий қатағонлар амалга оширилган эди. Унинг салбий оқибатларини ўзимизга тасаввур этиш учун биргина Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташлангани эслаш kifоя. Инсоний қадр-қиммати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида нафақат арбоб ва зиёлилар, балки юзлаб оддий инсонлар, юртимизда истиқомат қилган деярли барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор эди. Шу даврдда қанча-қанча одамларнинг ўз оиласидан жудо бўлгани аёллар беваликка, гўдаклар етимликка маҳкум этилгани, минглаб миришкор деҳқонларнинг қулоқ сифатида олис ўлкаларга сургун қилингани инобатга олсак, ҳалқимиз бошига тушган foжеанинг даҳшати яънада яққол намоён бўлади.”¹

Тарихимизнинг аянчли, ҳасратли, foжаели сақифаларининг чуқур ва атрофлича ўрганилишида бор ҳақиқатни акс эттириш таъкидланади. Ўзбекистонда советлар томонидан амалга оширилган қатағончилик сиёсати тарихшунослиги ҳудудлар мисолида ушбу кунгача алоҳида тадқиқот объекти бўлмаган. Шунингдек, 1938 йил октябрь бошларида Тошкентда СССР Олий Суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр йиғилишларида кўплаб партия, давлат, жамоат арбоблари, айниқса зиёлилар, адиб, шоирлар, фан ва олий ўқув юртлари ходимлари, Ўзбекистоннинг таниқли кишиларининг маълум вакиллари отувга, 10 йил, 8 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинганлари, олий жазога ҳукм этилганлар тақдири хали хануз тадқиқ этилмаган. Шунинг учун ҳам ушбу магистрлик диссертацияси мавзусини долзарблиги Андижонлик таниқли раҳбар ходимларнинг қатағон қилиниши, уларнинг тақдири қилиб белгиланди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқ қилинаётган мавзунинг муҳимлиги ва долзарблигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон совет ҳуқатини томонидан амалга оширилган “Катта қирғин” сиёсати тарихини тарихшунослик жиҳатидан миллий истиқлол мафқураси, миллий foя руҳида таҳлил қилиш ва назарий хулосалар чиқариш тадқиқот мақсадини ташкил қилади. Шу мақсаддан келиб чиқиб куйидаги вазифалар белгиланди:

- Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган қатағон сиёсатига ҳаққоний баҳо берган, унинг барча салбий жиҳатларига танқидий ёндашган мақола, ўқув

¹ Каримов Ислоҳ. “Юксак маънавият – енгилмас куч”, Тошкент, “Маънавият”, 2008, 97 - 98 бетлар

қўлланма ва монографияларни тарихшунослик жиҳатидан таҳлил қилиш ва уларда ўрганилган масалаларни совет даври адабиётларига қиёслаш;

- 1938 йил октябрь бошларида Тошкентда СССР Олий Суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр йиғилишларида кўплаб партия, давлат, жамоат арбоблари, айниқса зиёлилар, адиб, шоирлар, фан ва олий ўқув юртлари ходимлари, Ўзбекистоннинг таниқли кишиларининг маълум вакиллари отувга, 10 йил, 8 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинганлари, олий жазога ҳукм этилганлар ўша ҳукм эълон қилинган куннинг ўзидаёқ отиб юборилганликларини янгича муносабатда ёндашилганлиги билан, муаммонинг турли жиҳатлари яхлит бир мавзу сифатида тадқиқ этилиш.

- Ўзбекистон ва Россия Федерацияси Республикаларида мавзуга доир нашр юзини кўрган мақола, ўқув қўлланма, тадқиқот, тўплам, монография ва илмий асарларни таҳлил қилиш.

-Мустақиллик йилларида чоп этилган илмий тадқиқот асарларини ўрганиш ва тизиган келтириш.

-Ўрганилган адабиётлар ва манбаларни назарий жиҳатдан умумлаштирган ҳолда, бугунги кунда республикамизда қатағон сиёсатини ўрганиш борасида қилинаётган ишларга тавсия ва таклифлар бериш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. 1937-1938 йиллар собиқ Иттифоқ тарихига қатағоннинг энг юқори чўққисига чиққан даври, «Катта қирғин»нинг йили сифатида кирган. Сўнгги вақтда чиққан айрим асарларда¹, республика ва хорижда эълон қилинган қатор илмий мақолаларда 1937-1938 йилларда қатағон бўлганларнинг маълум қисми ҳақидаги янги тарихий маълумотлар илмий истеъмолга киритилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ҳозиргача совет жамяти элитасига қарши қилинган қирғин тўғрисида тарихчилар томонидан кўп ишлар амалга оширилган бўлса-да, аммо айнан андижонлик раҳбар ходимларининг қирғин гирдобиди, тўлқинида йўқ бўлиб кетгани тўғрисида жуда ҳам оз миқдорда ишлар қилинмоқда.

¹ **Репрессия:** 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск №1. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Каримов Н.Ф., Юсупов Э.Ю. – Т.: Шарқ, 2005, -С.285; Шамсутдинов Рустамбек. **Қатағон қурбонлари.** (1937 йил 10 август-5ноябрь). Иккинчи китоб. –Т.: Шарқ, 2007. –Б.495; **“Репрессия”** 1937-1938гг. Документы и материалы. Выпуск 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э., Мамажонов А, Дўсматов Э. –Т.: Шарқ, 2007. –С.495; **“Репрессия”** 1937-1938гг. Документы и материалы. Выпуск 4. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Абдуллаев М., Дўсматов Э.П., Курбанов Х.Р. –Т.: Шарқ, 2008. –С.573. **Қатағон қурбонлари.**(1938 йил февраль, сентябрь) **Бешинчи китоб** Тузувчилар: Р.Т.Шамсутдинов, Х.Р.Қурбонов, Ж.Расулов, Ф.Эгамбердиев, У.Бекимбетов. “SHarq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент – 2009. 412 б

Тадқиқотчилар М.Ғ.Абдуллаев, А.Мамажонов, М.Л.Акбарова ва бошқаларнинг¹ диссертацион ишларида ҳам совет ҳукумати томонидан ўтказилган қатағончилик сиёсати тарихи қисқача таҳлил қилиб ўтилган.

Таъкидлаб ўтмоқ лозимки, ҳозирги кунда Ўзбекистонда қатағон сиёсати тарихи ва амалиётига бағишланган асарлар яратилмоқда, лекин бирон-бир диссертацион ишда ҳудудлар бўйича раҳбар ходимларнинг қатағон тифига тортилиши алоҳида мавзу сифатида изланиш объекти бўлмаган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, ўрганилган мавзу тамоман янгича методология асосида тадқиқ қилинди. Тадқиқотда миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкураси руҳи ва талаблари асосида Ўзбекистонда 1937-1938 йилларда амалга оширилган “Катта қирғин” сиёсати, айнан андижон вилоятилик раҳбар ходимларнинг қатағон қилиниши тарихига доир илмий асарлар тарихшунослик нуқтаи назаридан биринчи бор алоҳида мавзу сифатида ўрганилди ва назарий хулосалар чиқарилди. Тадқиқот иши ўрганилган масалага янгича муносабатда ёндашилганлиги билан, муаммонинг турли жиҳатлари яхлит бир мавзу сифатида тадқиқ этилиши билан тавсифланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот ишимиз амалий аҳамиятига ҳам эга бўлиб, изланиш натижасида вужудга келган маълумотлар, хулосалар умумлаштирилиб ва тартибга келтирилди. Ушбу натижалар Ўзбекистонда амалга оширилган қатағончилик сиёсатини ва унинг фожеали оқибатларни ўрганиш ва бу ҳақда маълум бир тасаввур ҳосил қилишга хизмат қилади.

Тадқиқотда келтирилган маълумотлар, умулаштирилиб назарий хулосалардан таълимнинг турли босқичларида дарс ўтишда фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертация тузилиши кириш, икки боб ва хулоса қисмларидан иборат. Шунингдек, унда фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳам келтирилган.

Биринчи боб **Катта қирғин сиёсати ва уни тарихини ўрганиш ҳолати, манбалар таҳлили** деб номланган. Ушбу бобнинг биринчи парagraфида Катта қирғин сиёсатининг юзага келишидаги шароит ва унинг сабабларига доир асарлар таҳлил қилинган. Иккинчи параграфиди ушбу сиёсатнинг хориж ва ўзбек тарихшунослар томонидан талқин қилинган асарлар ўрганилиб, таҳлил қилиниб, ўзора қиёслаб чиқилган. “Катта қирғин” сиёсати

¹ Абдуллаев М.Ғ. Ўзбекистонда советларнинг “қулоқ” қилиш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари (1929-1945 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражаси учун диссертация автореферати . Тошкент – 2002, А.Мамажонов Шимолий Кавказга сургун қилинган юртдонлар қисмати. Тарих фанлари номзоди илмий даражаси учун диссертация автореферати . Андижон – 2005, Акбарова М.Л. Ўрта Осиёдан Қозоғистонга сургун қилинган қулоқлар, уларнинг ҳаёти ва тақдири (1926-1956-йиллар) Тошкент, ЎЗР ФА, 2010. – 30 б.

айбдорлари ҳақидаги янгича талқин ва мушоҳада қилинган асарлар, тўпламлар ўрганилиб, унинг айбдорлар ҳақида янгича ёндашувлар умумий тавсиф берилган.

Иккинчи боб “**Оммавий қатағон сиёсати ва унинг Андижондаги оқибатлари**” деб номланган. Ушбу бобда 1937-1938 йилларда қатағон қилинган андижонлик қатағон қурбонлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Шунингдек ушбу бобда қатағонга тортилган андижонликлар раҳбар ходимларнинг худудий, ижтимоий, миллий таркиби проф. Р.Т.Шамсутдинов асарлари воситада ўргалиниб, тизимни солиниб, таҳлил қилиб ўтилган. Сиёсий қатағоннинг халқ оммасига келтирган иқтисодий, ижтимоий ва маънавий оқибатлари ёритилиб ўтилган.

Тадқиқотнинг Хулоса қисмида ўрганилган масалалар бўйича якуний хулосалар чиқарилган, республикамизда бугунги кунда сиёсий қатағон сиёсати оқибатлари тарихини ўрганишнинг истиқболлари ҳақида амалий таклифлар билдириб ўтилган.

Тадқиқотнинг манбавий базаси. Тадқиқотни тайёрлашда совет ҳокимияти йилларида ва мустақилликдан кейинги йилларда нашр қилинган мавзуга доир ҳужжатлар тўпламлари, статистик маълумотномалар, кўплаб илмий адабиётлар, номзодлик диссертациялари ва мақолалардан фойдаланилди. Ушбу манбалар орқали ишнинг самарасини яънада оширилишга эришилди.

Мустақиллик йилларида яратилган илмий тадқиқотлар, китоб ва монографиялар таҳлилида профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг асарлари ва мақолаларидан, тарих фанлари номзодлари М.Ғ.Абдуллаев, А.Мамажонов, М.Л.Ақбароваларнинг материалларидан унумли фойдаланилди. Шунингдек “Мерос” илмий-амалий ҳалқаро экспедицияси хайрия жамғармаси фонди материалларидан, мавзуга оид бўлган республика илмий журналларида нашр қилинган мақолалардан ҳам унумли фойдаланилди.

I БОБ. КАТТА ҚИРҒИН СИЁСАТИ ВА УНИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ ХОЛАТИ, МАНБАЛАР ТАХЛИЛИ

1.1. “Катта қирғин”нинг юзага келишидаги тарихий шароит ва сабаблар.

1937-1938 йилларда совет ҳукумати тарихига қатағоннинг энг юқори чўққисига чиққан даври ҳисобланиб, у қатағончилик сиёсатининг «Катта қирғин» йили сифатида қирган. Сўнгги вақтда чиққан айрим асарларда республика ва хорижда эълон қилинган катор илмий мақолаларда 1937-1938 йилларда қатағон бўлганларнинг маълум қисми ҳақида янги тарихий маълумотлар илмий истеъмолга киритилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ҳозиргача совет жамияти элитасига қарши қилинган террор тўғрисида тарихчилар томонидан кўп ишлар амалга оширилган бўлса-да, аммо террор гирдобиди, тўлкинида йўқ бўлиб кетган оддий совет фуқароларининг тақдири тўғрисида жуда ҳам оз миқдорда ишлар қилинмоқда.

Маълумки, тарихда шахснинг ўрни ва роли беҳад улқандир. Бутун дунёнинг энг янги тарихи, унинг муҳим воқеалари бундан далолат бермоқда. Мамлакатлар, регионлар ва умуман жаҳон тараққиётида айрим шахсларнинг ғоят катта рол ўйнаганлиги барчага маълумдир. АҚШ президенти Франклин Рузвелтнинг мамлакат ичкарисида ва халқаро майдондаги амалий фаолиятини ўрганмасдан туриб АҚШдаги аҳволни холисона таҳлил қилиш ва давлатнинг иккинчи жаҳон уруши боришидаги сиёсатини чуқур ўрганиш мумкин эмас.

Худди шунингдек, Буюк Британиянинг XX аср биринчи ярмидаги объектив манзарасини Уинстон Черчиллнинг бу мамлакатдаги ролини, унинг давлат ичкарисида ва жаҳон майдонида олиб борган сиёсати ва амалий фаолиятисиз тўлақонли объектив тарзда ёритиб бўлмайди.

Ёки бўлмасам Амир Темурнинг шахсиятини, кўп қиррали фаолиятини, унинг давлат арбоби сифатидаги буюк фазилатларини, миллатпарварлигини, фан ва дин хомийси эканлигини англаб, ўрганмай туриб унинг буюк салтанати тарихини, Туркистон давлати тарихини объектив равишда тўлиқ ва кенг кўламда ёритиб бўлмайди.

Мархум Шароф Рашидов чорак аср мабайнида Ўзбекистон республикасининг биринчи раҳбари сифатида фаолият кўрсатди. Ўзбекистоннинг совет давридаги XX аср 50-йиллар охири-80 йиллар бошларидаги тарихини ҳолисона ёритмоқ учун Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва фаолиятини ҳам чуқур ва алоҳида ўрганмоқ керак.

Қарийб 20 йилдирки Ўзбекистоннинг бутун ички ва ташқи сиёсати, ҳаёти, ютуқлари, муаммолари ечимида Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов турибди. Тарихимизнинг шу даврини чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш, буюк инқилобий ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлар, амалга оширилаётган катта кўламдаги ислохотлар объектив ва ҳар томонлама тадқиқ этиш учун юртбошимизнинг ҳаёти ва фаолиятини, унинг сиёсий жасоратини, иш услубини, кенг қамровли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий соҳалардаги жўшқин, ибратли ишларини кўрсатиш лозимдир. Ватан тарихи билан шу ватан, шу мамлакат раҳбарининг ҳаёт йўли, босиб ўтган кураш тарихи билан узвий боғлангандир. Тарих эгасиз яратилмайди.

Бундан И.В.Сталин ҳам мустасно эмас. Унинг XX аср биринчи ярми, 50-йиллар бошидаги ҳаёти ва фаолияти Совет Иттифоқининг ўша даврдаги тарихи билан ҳамохангдир, уларни бир-биридан ажратиб эмас, аксинча уларни бир-бирига қўшиб, омухта қилиб тарихий воқеаларга баҳо бериш мумкиндир. Шу боис 1937-1938 йиллардаги, яъни Катта қирғин давридаги СССР тарихини, жумладан Ўзбекистон тарихини ҳаққоний билиш, англаш, ўрганиш, тадқиқ этиш учун ҳам Сталин ва унинг ҳаёт йўли, сиёсати назарий ва амалий фаолиятини тасаввур этмоқликни талаб қилади. Жумладан, Ўзбекистоннинг 30-йиллардаги тарихини бутун СССР ҳудудидаги тарихий жараёндан ажратиб қараш мумкин эмас. Шу боис Совет Иттифоқидаги Катта қирғин фожеаси Ўзбекистонда ҳам юз берди.

1937 йилнинг май-июн, айниқса сўнгги бир ярим ой даврида, «ҳарбий-фашистик исёнчилар» отилганидан сўнг бўлажак оммавий катағон кампаниясини интенсив режалаштириш амалга оширилади.

Совет ҳукумати 1937 йил июл ойининг бошларида бўлажак террорнинг юз минглаб қурбонлари тақдирини аниқловчи қарорлар қабул қилинган. Улардан энг муҳими-Сиёсий

бюронинг 2 июлдаги «Антисовет элементлар тўғрисида»ги қарори бўлиб у «Катта қирғин» даврининг энг кўламли қатағон оператсиясини ўтказиш учун ўзига хос старт эди.

Ана шу қарор асосида НКВДнинг 00447 сонли мана энди ҳозирда машҳур бўлиб кетган буйруғи («Қулоқлар тўғрисидаги буйруғ» деб ҳам аталган ўша вақтда) тайёрланган. Унга кўра 1937 йил 5 августдан 1938 йил ноябр ўрталаригача махсус ташкил этилган учликлар камида 800 000 кишини, улардан ярмини отувга ҳукм қилганлар. 1937 йил августдан НКВД миллий операциялар ўтказиш бўйича яна бир неча буйруғлар қабул қилади. Бу билан 1937-1938 йиллардаги террор қурбонлари миқдори деярли 350 минг кишига кўпайтириб юборилади.¹

1937 йил 30 июлда СССР ички ишлар халқ комиссарининг (Н. Ежов имзолаган) “Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа антисовет элементларни қатағон қилиш бўйича оператсия тўғрисида”ги 00447-сонли оператив мутлако махфий тамға остидидаги буйруғида антисовет уюшмаларни тергов қилиш материалларида аввалида қатағон қилинган, қатағон бўлишдан яшириниб юрган, лагерлардан, сургунлардан ва меҳнат посёлкаларидан қочиб келган собиқ қулоқларнинг катта қисми қишлоқларда ўрнашиб қолгани қайд этилган. Ўтмишда кўплаб қатағон қилинган черковчилар ва сектантлар, советларга қарши қуроллий чиқишларнинг собиқ иштирокчилари ҳам қишлоқда ўрнашиб олгани таъкидланган. Қишлоқда мавжуд бўлган ва уларнинг қолдиғи сиёсий партиялар (есерлар, грузмекилар, дашноқлар, муссаватчилар, иттиходчилар) ходимларининг, шунингдек бандитлар кўзғолонининг собиқ фаол иштирокчилари, оқ жазочилар, репатриантларнинг катта қисмига ҳам деярли тегилмагани буйруғда кўрсатилган.¹

“Юқорида санаб ўтилган элементларнинг бир қисми қишлоқдан шаҳарларга кетиб, саноат, транспорт ва қурилишларга суқилиб кириб олганлар” – дейилган буйруғда.

Бундан ташқари ҳозирга қадар жиноятчилар, хайвон ўғрилари, ретсидивиц-ўғрилар, талончилар ва жазони ўтаб қамоқдан қочиб келиб, қатағон бўлишдан яшириниб юрганлар ҳам қишлоқ ва шаҳарларда уя қуриб олганлар.

Бу барча антисовет элементлар, унсурлар колхоз ва совхозлардаги транспорт ҳамда саноат соҳасидаги ҳар қандай антисовет ва кўпоровчилик жиноятларнинг келиб чиқишининг асосий ташкилотчилари экани буйруғда қайд этилган.

Сиёсий қатағон моҳияти, унинг кўлами, фожеасини англамоқ учун СССР ва Иттифоқчи республикалари Жиноят кодексининг 1-бобидаги (“Преступления

¹ Қатағон қурбонлар. (Иккинчи китоб), Тошкент, “Шарқ”, 2007, Б.9.

¹ Қатағон қурбонлар. (Иккинчи китоб), Тошкент, “Шарқ”, 2007, Б.9.

государственные”) “давлат жиноятлари” деб номланган 58-моддасининг кунт билан ўрганиш, англаш керак. Шунда қатағон ҳақидаги афсонавий ёлғонлар ҳам, чин ҳақиқатлар ҳам юзага чиқади.

Ўша 58-модданинг 1-параграфи “Аксинкилобий жиноятлар” (Контреволюционные преступления) деб номланган.

Унинг 58-1-моддасида ишчи-деҳқон советлари сайлаган ҳукуматни ағдариш ва кўпоришга ёки заифлаштиришга қаратилган, Совет Иттифоқи Конституцияси ва иттифоқчи республикалар конституциялари асосида сайланган Совет Иттифоқи, иттифоқчи ва мухтор республикалар ҳукуматларини, СССРнинг ҳамда пролетар революциясининг хўжалик, сиёсий ва миллий соҳаларда эришган ютуқларини кўпориш ёки заифлаштиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар аксинкилобий ҳаракат ҳисобланади деб кўрсатилган.

“Аксинкилобий жиноят” тушинчасида пролетар инқилобининг асосий хўжалик, сиёсий ва миллий, яъни мавжуд тузум, шунингдек СССРдаги ҳукумат органлари ғалабаларига, хуллас мавжуд тузумга қарши жиноят “аксинкилобий” деб ҳисобланган. Унинг аналоғи ҳозирда Россия Федерацияси Жиноят Кодексининг 10-бўлимида “Давлат ҳокимиятига қарши жиноят” деб ҳисобланади ва ЖКнинг 29-бобига “Конституцион тузумга ва давлат хавфсизлигига қарши жиноятлар” тарзида киритилган.

Ватанга хоинлик қилиш, яъни СССР фуқаролари томонидан СССР Иттифоқи Ҳарбий қудратига ва унинг давлат мустақиллигига ёки дахлсизлигига жосуслик, ҳарбий ёки давлат сирларини четга бериб юбориш, душман томонига ўтиб кетиш, чегарадан қочиб ўтишларга Жиноят Кодексининг **58-1^a** моддасини қўллаш белгилаб қўйилган. Бундайларга нисбатан жиноий жазонинг олий чораси – бутун мулки конфискация қилиниб, ўзини отувга, юмшоқроқ ҳолат юз берган ҳолда бутун мол-мулкни конфискация қилиниб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси бериш кўзда тутилган.

58-1^b модда билан юқоридаги жиноятларни содир этган ҳарбий хизматчилар бутун мулки мусодара этилиб олий жазо – отувга ҳукм қилинган.

58-1^b моддаси чегарадан қочиб ёки ошиб ўтган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг балоғатга етган оила аъзоларига нисбатан бутун мулки мусодара этилиб, 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилган.

Жиноят содир этилган вақтда хоиннинг оиласидаги балоғат ёшидаги қолган аъзолари, улар билан бирга яшаётган ёки улар қармоғида турганларга сайлов ҳуқуқидан

махрум қилиш ва узоқ районларга 5 йил муддатга сургун этиш жазосини қўллаш белгилаб қўйилган.

Бунда биз “халқ душманлари оилаларининг жавобгарлиги” деган машҳур ғамгин ҳолатни учратамиз. Бу модда ҳарбий хизматдаги хоинлар оилаларигагина сотқинликни била туриб ёки сотқинликка кўмаклашганларга нисбатан қўлланилишини кўраамиз. Бирок бу даҳшатли модда, банд кўпинча менипуляция, яъни хийла- найранг воситаси бўлиб хизмат қилган.

58-1^г моддасига кўра ҳарбий хизматчилар томонидан хоинликка тайёрланаётганлар ёки хоинлик қилганлар тўғрисида хабар бермаганликлари учун уларни 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Ҳарбий хизмати бўлмаган бошқа фуқаролар ана шундай хабар бермаганларга 58-12- моддаси қўлланилган. Бундайларга нисбатан олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш қўлланилган

58-2-модда бўйича аксилинқилобий мақсадда қуролли қўзғолон ёки ана шу мақсадда совет ҳудудига қуроллий жангариларнинг бостириб кириши, марказда ёки жойларда юқоридаги мақсадлар билан хусусан ёки зўравонлик билан Совет Иттифоқидан ва айрим иттифоқчи республикалардан улар ҳудудларининг қандайдир қисмини тортиб олиш ёки СССРнинг чет эл давлатлари билан тузилган шартномаларини бузганларга нисбатан ижтимоий ҳимоя тарзида отувга ёки меҳнаткашлар душмани деб эълон қилинишга, мулкани мусодара этиш, СССР фуқаролигидан маҳрум этиш ва СССР ҳудудидан чиқариб юбориш, енгиллаштирилган ҳолатда бутун мулкани мусодара этиб уч йилга озодликдан маҳрум қилиш чорасини кўриш белгиланган.

58-3- моддада аксилинқилобий мақсадда чет эл давлатлари ёки унинг айрим вакиллари билан алоқада бўлганлиги, Советлар Иттифоқи билан уруш ёки интервенция йўли билан, ёки қамал қилишга қаратилган хатти –ҳаракатлар, кўмак беришда айбланганлар ҳам 58/2 –модда бўйича жазога тортилиши кўрсатилган.

58-4- моддада капиталистик тузум ўрнига коммунистик тизимнинг майдонга келишини тан олмаган, уни ағдаришга интилган халқаро буржуазиянинг бир бўлагига қандай бўлмасин усул билан ёрдам бераётганлар ёки ана шу буржуазиянинг таъсири остида қолган, ёки Совет Иттифоқига қарши душманликни амалга ошираётган ижтимоий гуруҳлар ва ташкилотлардаги кишилар мулки мусодара этилиб, ўзларини отувга ҳукм этишгача чора кўриш, ундайларни халқ душмани деб эълон қилиш, СССР ва Иттифоқчи республикалар фуқаролигидан маҳрум қилиш, мулкани мусодара этиб Совет Иттифоқи ҳудудидан ҳайдаб юбориш кўзда тутилган.

58-5- моддада чет эл давлати ёки ундаги қандайдир ижтимоий гуруҳ вакиллари орқали алоқада бўлиб, сохта ҳужжатлардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб уруш эълон қилиш, Совет Иттифоқи ишларига қуролли аралашиб ёки бошқа ножўя ҳаракатлар содир этиш, хусусан, блокада қилиш, Совет Иттифоқи ёки Иттифоқчи республикалар давлат мулкларини босиб олиш, дипломатик алоқаларни бузиш, Совет Иттифоқи билан тузилган шартномаларни йўқ қилиш ва шунга ўхшаш ҳаракатлар учун ҳам жиноят кодексининг 58-2 моддасида кўрсатилган ижтимоий ҳимоя қилишнинг олий чораси – отув қўлланилиши белгилаб берилган.

58-6- моддада жосуслик, яъни маҳсус муҳофазада бўлган давлат сирларини чет эл давлатларига, аксилинқилобий ташкилотларга, ёки хусусий шахсларга бериб юбориш мақсадида ўғирлаш, ёки йиғиб юриш билан шуғулланганларга нисбатан 3 йилдан кам бўлмаган қамоқ жазоси қўлланилиши кўрсатилган. Агарда жосуслик ССР Иттифоқига алоҳида оғир оқибатларга олиб келса, у ҳолда бундай шахсга нисбатан олий жазо- отув ёки меҳнаткашлар душмани деб эълон қилиб фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этиб, мулкни конфискация қилиб, ўзларини ССР Иттифоқи ҳудудидан хайдаб юбориш белгиланган.

58-7- моддада давлат саноати, транспорти, савдоси, пул муомилалари, кредит тизими, шунинг баробарида кооперацияни қўпориш мақсадида ва аксилинқилобий мақсад йўлида давлат муассасалари ва корхоналаридан фойдаланиш ёки улар фаолиятига қарама-қарши турганларга ҳам мазкур кодексининг 58-2 моддасидаги жазо чоралари кўриш кўзда тутилган.

58-8 моддада совет хокимиятига, унинг инқилобий ишчилар ва деҳқонлар ташкилотларига қарши қилинган террорчилик актлари ва ана шундай актларни бажаришда иштирок этганларга нисбатан ҳам жиноят кодексининг 58-2 –моддасини қўллаш белгиланган.

58-9- моддада аксилинқилобий мақсадда темир йўллари ёки бошқа йўллар ҳамда хабар бериш воситалари, халқ алоқа воситалари, сув иншоатлари, жамоат омборлари ёки иншоатлари, давлат ва жамоат мулкларини бузган ёки зарар келтирганларга нисбатан ҳам кодекснинг 58-2- моддаси қўлланилиши кўрсатилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб буйруқда давлат хавфсизлиги органлари олдида бу антисовет элементлар бандасини ҳеч ҳам аямасдан тугатиш, меҳнаткашларни, совет халқини уларнинг аксилинқилобий ҳуружларидан ҳимоя этиш ва уларнинг Совет

давлатининг асосига, негизига қарши қилган аблаҳона кўпоровчилигини таг-туғи билан абадул-абад йўқ қилиш зарурлиги ҳам кўрсатилган.

Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб 1937 йил 5 августдан барча республикалар, ўлкалар ва вилоятларда собиқ қулоқлар, фаол антисовет элементлар ва жиноятчиларни қатағон қилиш бўйича оператсия ўтказиладиган бўлди. Бу оператсия Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизицон ССРда 1937 йил 10 августдан бошланадиган бўлди.

«Катта қирғин» даврида, яъни 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича фақат собиқ «қулоқ»лардан 5924 киши, жиноятчилардан 1679 киши, бошқа «советларга қарши унсурлар»дан 3097 киши, жами 10700 киши қамоққа олинган. Улардан 3613 киши 1-категория бўйича отувга, 7087 киши 2-категория бўйича 8-10 йил муддат билан қамоқ жазосига, меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган.

1-категория бўйича отувга ҳукм қилинганларнинг 1376 нафари собиқ қулоқлар, 952 нафари жиноятчилар ва 1285 нафари бошқа аксилинқилобий унсурлар бўлган. 2-категория бўйича ҳукм қилинганларнинг 4548 нафари собиқ қулоқлар, 727 нафари жиноятчилар, 1812 нафари бошқа аксилинқилобий унсурлар бўлган.

Фақат 1937 йил 10 августдан 5 ноябргача бўлган вақт ичида Учлик қарори билан Ўзбекистон бўйича қатағон қилинганлардан 3083 маҳбусдан 1688 киши отувга, 1369 киши 8-10 йил меҳнат тузатув лагерига (сургун қилиш шарти билан), 36 нафари қамоқдан озод қилишга ҳукм қилинган.

Унинг миллий таркибида ўзбеклар 2361 киши, руслар 462 киши, татарлар 58 киши, қозоқлар 33 киши, турклар 31 киши, арманлар 24 киши, немислар 20 киши, украинлар 18 киши, тожиклар 16 киши, поляклар 12 киши, озарбайжонлар 10 киши, уйғурлар 5 киши, афғонлар 3 киши, хитойлар 3 киши, грузинлар 3 киши, 1 француз бўлган.

Унинг ижтимоий таркиби қуйидагича бўлган: қулоқлар 1543 киши, колхозчилар 781 киши, диний хизматчилар (имом, эшон, домла ва бошқалар) 437 киши, савдогарлар 149 киши, жиноятчилар 87 киши, бойлар 54 киши, хизматчилар 132 киши, ижтимоий аҳволи аниқланмаганлар 645 киши, улар орасида хунармандлар, аравакашлар, қоровуллар, сартарошлар, сотувчилар, ўт ўчирувчилар, нафақахўрлар, ногиронлар, хазиначилар, кассоблар, даллоллар ва бошқалар бўлган.

Партиявий жиҳатдан эса улардан 20 нафари собиқ «Шўрои ислом»чи, 91 нафари собиқ «Миллий иттиҳод»чи, 61 нафари собиқ ВКП(б) аъзоси, 17 нафари собиқ эсерлар, 4 нафари «Иттиҳодий ва тараққий»чи, 5 нафари Мусавватчи, 5 нафари Интернатсионал

демократик партиянинг собиқ аъзоси, 2 нафари собиқ «Турон» аъзоси, 3 нафари собиқ дашноқчилар, партиясизлар эса 2866 кишидан иборат бўлган.

Қатағон қурбонларидан 454 нафари аввалда «босмачилик» ҳаракатида, 111 нафари колхоз тузумига, қулоқ қилишга қарши қўзғолонда иштирок этганлар. Ана шундай ҳолатни 1938 йилда қатағон қилинганлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Катта қирғин вақтида Ўзбекистон ҳудудидан ташқари жойларда тақдир тақозаси билан яшаб тириклик қилаётган, хусусан ГУЛАГ ва Меҳнат тузатув лагерлари, колонияларидаги маҳбуслар, Украина, Шимолий Кавказ ўлкаси, Қозоғистондаги меҳнат, махсус посёлкаларда сургун азобини тортаётган «собиқ қулоқлар» ҳам такроран қатағон қилинган эди. Уларни ҳам аниқлаб ҳисоблайдиган бўлинса ўзбекистонликлардан мудҳиш Катта қирғин қурбонлари миқдори анча кўпаяди.

Масалан, 1931 йили Ўзбекистондан Украинанинг Херсон вилоятига сургун қилинган юртдошларимиздан, собиқ қулоқлардан Голоприцан, Каховский ва Скадовский туманлари бўйича 200 га яқин меҳнат кўчиндилари айни ана шу Катта қирғин вақтида қатағон қилингани аниқланган. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлардан ҳозирча 41 нафар киши қатағон қилингани аниқланди.

Москва ёнидаги Дмитров лагерида 1933-1938 йиллари кўплаб Ўзбекистонлик маҳбуслар, собиқ қулоқлар «иккинчи беш йилликнинг буюк қурилиши» ҳисобланган Москва-Волга канали қурилишида фаол қатнашганлар, уларнинг кўплари ўлиб кетган, маълум қисми канал қурилиб, ишга тушгандан сўнг такроран қатағон қилинган.

Учликнинг қарори билан олий жазога ҳукм этилган маҳбуслар зудлик билан отилган. Отувлар миқдори шу қадар кўп бўлганки, оқибатда жойларда олий жазо ҳукмини ижро этувчи махсус идора ҳам ташкил этилган. Бундай идора Ўзбекистон республикасида 1933 йилдаёқ ташкил қилинган. Ўзбекистон ССР Олий Суди раиси Абдурахмоновнинг 1934 йил 29 мартда Ўз ССР Халқ Комиссарлари Советига, нушаси республика Молия Халқ Комиссарига йўллаган хатида 1933 йилда Олий Суд ҳузуридаги олий жазо чорасини ижро этиш махсус камерасини жиҳозлаш ва уни фаолият кўрсатиши учун Халқ Комиссарлари Совети тарқатма фондидан 37335 сўм ажратилгани, 1934 йил учун эса 47000 сўм маблағ ажратилиши сўралган. Сметага кўра бу махсус камера фаолиятини ташкил қилиш билан 1 нафар комендант, 1 нафар комендант ёрдамчиси, 6 нафар отув билан машғул бўлувчилар ва 1 ҳайдовчи хизмат қилиши кўрсатилган. Комендантнинг ойлик маоши 500 сўм, комендант ёрдамчисининг ойлик маоши 350 сўм, отувчиларнинг ҳар бирининг ойлик

маоши 300 сўмдан, ҳайдовчининг ойлик маоши 320 сўм қилиб белгиланган. Бу махсус идора ходимларининг бир йиллик иш ҳақи 35640 сўмни ташкил этган.

Бу махсус идора 1937-1938 йилларда янада кенгайган, ходимлар миқдори ҳам кўпайган ва унинг округларда бўлимлари ҳам бўлган. Пойтахт Тошкентда учлик томонидан отувга ҳукм қилинган маҳбуслар Тошкент турмасида ёки сиёсий маҳбуслар уйида сақланаётган бўлса, улар Юнусободдаги қатлгоҳларда, ҳозирги Шаҳидлар хотираси мажмуаси жойлашган жойда отилган. Вилоятлар бўйича отувга ҳукм этилган маҳбуслар қайси округда қамоқда бўлсалар, ўша жойдаги қатлгоҳда отилганлар, яъни ҳар бир округдаги қамоқхоналарда олий жазо чорасини ижро этувчи ходимлар бўлган. Масалан, Андижон округ сектори тақдимиға кўра Тошкентдаги республика учлиги нечта маҳбусни отувга ҳукм қилган бўлса, ҳукм ижроси Андижонда рўйхат бўйича, қарор асосида амалга оширилган. Хуллас, республикада марказий қатлгоҳ ва жойлардаги маҳаллий қатлгоҳлар фаолиятда бўлган.

Собиқ Иттифокнинг бир қисми бўлган Ўзбекистонда ҳам ана шу маҳаллий партия функционерлари янги сайлов тизимидан кўрқиб, ҳадиксираб, ҳафвсираб Марказга йўллаган хатларида, ахборотларида, расмий анжуманлардаги чиқишларида, республиканинг шаҳар ва қишлоқларида, саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда, ўқув муассасаларида, халқ хўжалиги тармоқларида антисовет кучлар, буржуа миллатчилари, руҳоният вакиллари, собиқ қулоқлар, жиноятчиларни зудлик билан қамоққа олиш, энг учига чиққанларини отиб юбориш таклифларини баён қилганлар. Оқибатда маҳаллий ташаббус инobatга олинди, ҳатто Ўзбекистон раҳбарияти Марказдан қатағон қилинадиганлар миқдорини ошириб бериш тўғрисида, қўшимча лимит бериш тўғрисида сўраганлар.

1938 йил 31 январдан ВКП (б) Марказий Комитети СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1937 йил 30 июлдаги № 00447 сонли буйруғи бўйича репрессия қилиш учун қўшимча лимитни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Областлар, ўлкалар, Миллий Компартиялар Марказий Комитетларига йўлланган бу қарорда СССР ИИХК (НКВД) нинг репрессия қилишга лойиқ бўлган собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва фаол антисовет элементларни 22 та ўлка област ва республикалар бўйича репрессия қилинадиганларнинг қўшимча миқдорини қабул қилганлиги кўрсатилган. Унга кўра Иттифокнинг 22 минтақаси бўйича биринчи категория бўйича 47 минг киши отувга, 8 минг киши 8-10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилиниши керак эди. Ўзбекистон ССРдан эса биринчи категория бўйича 2 минг, 2-категория бўйича 500 киши, Туркменистон

ССРдан биринчи категория бўйича 1 минг киши, Қирғизистондан биринчи категория бўйича 500 киши, Тожикистондан биринчи категория бўйича бир минг, иккинчи категория бўйича 500 киши қатағон қилиниши керак эди.¹

Республикаларда репрессия операциясини 1938 йил 15 мартдан кечикмасдан тугаллаш СССР Ички ишлар халқ комиссарлигига юклатилади. Собик кулоқлар, жинойтчилар ва антисовет элементларнинг ишларини кўриб чиқиш учун аввалги учликларнинг фаолияти узайтириладиган бўлди. Бу учликлар ишини 1938 йил 15 февралгача якунлаш вазифа қилиб қўйилди.

Ўзбекистондан 2000 кишини биринчи категория, 500 кишини иккинчи категория бўйича репрессия қилиш, 1 февралдан 15 мартгача ўтказилиб якунланиши керак эди. Марказнинг бу кўрсатмаси, топшириғини Ўзбекистонда бажариш жуда хам тезкорлик билан амалга оширилди. Республика округларида Ички ишлар органлари, ГПУчилар қандай қилиб бўлмасин репрессия қилиш лимитини ўз вақтида, иложи бўлса ортиғи билан бажарилишига астойдил киришганлар. Жойларда одамлар қамоққа олина бошланган.

Бу ишни Ички ишлар ва давлат хавфсизлик органлари ходимларидан Андижон округида Деревянченко, Кузнецов, Лебедев, Макаревич, Шестеркин, Шатковский, Бухоро округида Богдонов, Римский, Подъячев, Варшавер, Чесалов, Колосов, Тошкент округида Ховрин, Стельмах, Кимжеир, Андреев, Кострюков, Матвеев, Гапонов, Самарканд округида Билибин, Лисин, Мажара, Федяев, Шатковский, Байбеков, Сурхондарё округида Подушков, Погодин, Шатковский, Қашқадарё округида Моссовер, Сюняев, Лисин, Мажара, Дегтярев, Шатковский, Наманган округида Кўзнецов, Самородов, Селин, Кузнецов, Азимов, Мурлаев, Жиззах округида Колпаков, Колшаков, Фаргона округида Мажара, Голубь, Муллажонов, Шатковский, Смыслов, Алгушенко, Хоразм округида Моссовер, Старостин, Павленко, Павелко, Юрков, Сирдарё округида Князевлар олиб борганлар ва улар ўз округлари бўйича айблов хулосаларини Д.З.Апресян раис бўлган учликка тақдим қилганлар. Округлардан келган айблов хулосаларга асосланиб учлик ўз йиғилишларида махбуслар устидан, фақат ёзма айбловларга асосланиб ҳукм чиқарган.¹

ВКП (б) Марказий Комитети қарорида собик кулоқлар, жинойтчилар ва бошқа антисовет унсурлар ишини кўриб чиқиш учун репрессия ўтказилаётган жойлардаги учлик иш фаолияти, ваколати узайтирилиши белгилаб қўйилган эди. Шу боис

¹ “Кулоқлар операция” қурбонлари, Р.Т.Шамсутдинов, Э.Тожимирзева Жамият ва бошқарув, 2009, № 2 сон

¹ “Мерос” илмий- амалий экспедиция халқаро хайрия жамғармаси фонди материаларидан

Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги хузуридаги учлик яна ўз фаолиятини давом эттирадиган бўлди. Бу учлик таркиби Ўзбекистон, Ички ишлар халқ комиссари Дереник Заҳарович Апресян (раис), Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Усмон Юсупов, ЎзССР прокурори Шейндлин (аъзо), ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат хавфсизлиги Бошқармаси 8-бўлим бошлиғи, давлат хавфсизлиги лейтенанти Бароненко (котиб)лардан иборат эди.¹

Хуллас бу "Катта қирғин", ёки "қулоқлар операция"си даврида қатағон қилинган, қамоққа олинганлар, олий жазога ҳукм қилинганлар Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги туб миллат вакиллари орасида ўзбеклар кўп миқдорда бўлган.

Бундан кўриниб турибдики қатағон сиёсати Ўрта Осиё худидида яшаётган миллатлар орасида ўзбек халқи бошига жуда катта қулфатлар келтиргани кўриб ўтимиз мумкин.

1.2. Хориж ва ўзбек тарихшунолигида “Катта қирғин” талқинлари.

¹ “Мерос” илмий- амалий экспедиция халқаро хайрия жамғармаси материаларидан

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” деб номланган янги китобидан жой олган 1990 йил 4 июндаги маърузасида шундай дейилган: “Биз босмачилик ҳаракати ҳақида бўлсин, коллективлаштириш, репрессиялар, турғунлик даврига оид бузилишлар бўлсин, “оқ доғ”ларни бутунлай тугатилиши тарафдоримиз”¹. Ушбундан шу нарса аниқки совет режими давридаги қатағон масаласи мустақилликка эришишдан аввалроқ тадқиқот учун объект бўлиб қолган. 1956 йил партиянинг XX съездида Сталин шахсига сиғиниш оқибатларини тугатиш тўғрисидаги сиёсий йўл бошланиши билан қатағон қурбонларини реабилитация қилиш ва уларнинг ҳаёт йўлини ёритиш сари дастлабки қадамлар қўйилган эди. Бутун иттифоқ жараёнидаги ана шу тендаенсия Ўзбекистонга ҳам хос эди. Шу боис 20-30-йилларда Ўзбекистоннинг биринчи раҳбарлари ҳисобланмиш Акмал Икромов, Файзулла Хўжаевларнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб ҳар бирига 3 жилдликдан иборат тўпламлар нашр этилди. Бу Ўзбекистоннинг ижтимоий – сиёсий ҳаётида юз берган катта ўзгаришлардан бири эди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг раҳбар ходимларидан Султон Сегизбоев, Исроил Ортиқовлар ҳақида рисоалар нашр этилди.¹

Таниқли жамоат арбоби, қатағон қурбони Лазиз Азизода “Янги ҳаёт курашчилари” китобини 1976 йили “Фан” нашриётида элон қилди. Унда совет режими даврида қатағон қилинганлардан Абдулла Раҳимбоев, Абдулла Рўзибоқиев, Садуллахўжа Турсунхўжаев, Абдулхай Тожиев, Нишон Ризаев ва бошқаларнинг ҳаёт йўлидан лавҳалар берилган. 1987 йили “Ўзбекистон” нашриёти совет даврида раҳбарлик лавозимларини эгаллаб келган, 1937-1938 йиллардаги “Катта қирғин” даврида қатғон қилинганлардан Д.И.Манжара Абдулла Раҳимбоев, Садулла Турсунхўжаев, Нажиб Хусаинов, Карим Хақимов, Аллаёр Дўстназаров қабиларнинг ҳаёт йўлидан қисқача лавҳалар 1987 йили “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган “Революцией призванные” биографик ўчерклар тўпламида берилган. 1991 йили тарихчи олим Маткарим Махмудовнинг барҳаёт сиймолар¹, Р.Шамсутдинов таҳрири остида ва муаллифлигида “Ўзбекистон” нашриётдан чиққан “Инқилоб жангчилари” китобларида ҳам 1937-1938 йилларда қатағон қилинганларнинг бир гуруҳи ҳаёти ва фаолиятига оид лавҳалар очерклар эълон қилинди. Бироқ бу асарларда ҳали ҳамон коммунистик парти ва совет давлатининг сиёсий ва мафкуравий доирасидан чиқмаган холда тарихий воқеалар талқин қилинган эди. Бу

¹ Қ.Ҳасанов, Ф.Муҳиддинова. Султон Сегизбоев. “Ёш гвардия”, Тошкент, 1978; П.Ким. Исроил Ортиқов “Ёш гвардия”, Тошкент, 1978; 47-Б.

¹ М.Махмудов. Барҳаёт сиймолар. Тошкент, “Ўзбекистон” 1991. 198 Б.

асарларда кўплаб илмий, фактик камчилик нуқсонлар ва хатолар мавжуд эди, қатағон қилинганларнинг қисмати очиб берилмаган эди. Қолмишига, бу даврда мутлақо махфий тамғаси босилган ҳужжат ва материаллар махфий равишда махсус архивларда сақланаётган эди, тадқиқотчилар улардан фойдаланиш имкониятига эга эмас эдилар. Шунини ҳам айтиш керакки айрим муаллифлар асарларида кўчирмачиликка йўл қўйилгани ҳам кўзга ташланар эди. Атига бир мисол, муаллиф А.М.Қосимовнинг “Революцией призванные” тўплам китобига “Сағдулла Турсунхўжаев (1891-1940)” номли мақоласи киритилган. Ваҳоланки, Садуллахўжа Турсунхўжа ҳақида Лазиз Азизоданинг китоби берилган эди. А.М.Қосимов айнан шу мақолани ру тилида ўгириб берган. Қолаверса А.М.Қосимов Садуллахўжа Турсунхўжаевни 1940 йилда ҳаётдан кўз юмган деб ёзади ваҳоланки Садуллахўжа Турсунхўжаев 1938 йилнинг 4 октябрида СССР Олий судининг Ҳарбий ҳайъати С.Турсунхўжаев ишини кўриб чиқиб, Ўзбекистон ҳудудида ҳаракат қилган миллатчилар аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси сифатида уни олий жазога ҳукм қилинди. Ҳукм ўша куниёқ ижро этилди.¹ “Революцией призванные” китобида Д.И.Манжара, Т.Рискулов, Қайғиз Отабоев, Султон Сегизбоев, Иосиф Варейкс, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Алланазар Дўстназаровларнинг қатл қилиниши 1937 йил деб кўрсатилган. Исроил Ортиқовнинг вафоти 1942 йил қилиб кўрсатилган булар мутлақо нотўғридир. Аслида 1938 йил 15 мартда Акмал Икромов, Файзулла Хўжаевлар, қолганлари 1938 йил октябрда қатл этилганлар.

Ўзбекистондан “Қатта қирғин” йилларида қатағон қилинганларнинг ҳаёти ва фаолияти Мустақиллик йилларида алоҳида ўрганиш кенг йўлга қўйилди. Булар қаторига Р.Т.Шамсутдинов, Н.Каримов, Шерали Турдиев, Файзулла Қиличов, Сирожиддин Аҳмадларнинг асарлар²ини қўшиш мумкин.

Тарихчи олим проф.Р.Т.Шамсутдиновнинг кўп томли “Репрессия” китобида, қатағончилик сиёсати энг юқори палласи ҳисобланиб тарихга кирган 1937-1938 йиллар “Қатта қирғин” сиёсатини қимматли архив ҳужжатлари асосида яъни, қатағон сиёсати бевосита олиб борган “Учлик”нинг баённомалари асосида ёритилиб ўтилган. Масалан;

¹ Рустамбек Шамсутдинов, Ўктамбек Убайдуллаев. Ҳурлик туйғуси билан яшаган эди... Ўзбекистон матбуоти. 5/200236

² Р.Т.Шамсутдинов “Жертвы репрессии” Андижон, “Мерос” 1994. Б.96; Н.Каримов. Чўлпон. Тошкент, “Шарқ”, 2003. Б.463; Н.Каримов, Ш.Турдиев. Боту. Тошкент, “Шарқ”, 2004. Б.190; Файзулла Қиличев. Зулматдан садолар. Тошкент, “Адолат” 1994. Б.158; Сирожиддин Аҳмад. Қаюм Рамазоннинг ушалмаган орзулари. Тошкент, “Ўзбекистон номидаги Миллий кутубхонаси нашриёти” 2005. Б.58

Қатағон қурбонлари(Иккинчи китоб); 1937 йил 10 августдан – 1938 йил 5 ноябргача бўлган баённомалари йиғилишлари баён этилган (20 та йиғилиш баённомаси келтирилган.)

Репрессия (Выпуск 3); 1937 йил ноябрда бўлган баённомалари йиғилишлари баён этилган (6 та йиғилиш баённомаси келтирилган .)

Репрессия (Выпуск 4); 1937 йил декабрда бўлган баённомалари йиғилишлари баён этилган (22 та йиғилиш баённомаси келтирилган)

Ушбу “Учлик” йиғилиши баённомалари советлар ҳукмронли даврида мутлақо махфийлик тамғаси остида архивларда сақланаётган эди. Мустақиллик шарофати билан бу мудҳиш сиёсатнинг қурбонларини аниқлаш ва уларнинг ҳаётига доир маълумотлар янгича миллий истиклол мафқураси руҳида талқин қилина бошланди.

Сўнгги йилларда хорижда, айниқса Россия Федерациясида 30-50-йиллардаги сиёсий қатағон тарихига доир кўплаб хилма-хил адабиётлар нашр юзини кўрди. Катта қирғин айбдорлари ҳақида янгича талқинлар китобида ана шу Россия Федерациясида яратилган адабиётлар ҳақидаги талқиннинг маълум бир қисми ўзбек тилига таржима қилиниб тарих фани билан қизиқувчи китобхонлар ва тарих факультети талабалари учун ўқув машғулотида асосий адабиётлардан бири вазифасини ўтамоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек сўнгги йилларда Россия Федерациясида ҳам бу мудҳиш қатағон сиёсати ёритишда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан бу ўринда Шейла Фицпатрик, Владимир Карпов, Юрий Боров, Юрий Козенков, Владлен Сироткин, Владимир Крючков, Сергей Голотик, Валерий Минаев, Георгий Куманев, Юрий Жуков, Юрий Мухин, Галина Иванова, Олег Мозохин, Лев Барскийлар қаламига мансуб асарларни қайд этиш мақсадга мувофиқдир.¹

¹ Шейла Фицпатрик. Повседневный сталинизм. Социальная история Советской России в 30-е годы. М., РОССПЭН, 2001, 332 с.; Владимир Карпов. Генералиссимус. Книга первая, Книга вторая. М. Вече, 2003; Юрий Боров. Сталиниада. Мемуары по чужим воспоминаниям с историческими анекдотами и размышлениями автора. М. Олимп, 2003, 461 с.; Юрий Козенков. Голгофа России: Схватка за власть. Краткая хроника преступлений мирового сионизма, масонства и Запада против России (от Сталина до Ельцина) М. «Фонд национальных перспектив». М., 2003; Владлен Сироткин. Почему Троцкий проиграл Сталину? «Алгоритм», Москва - 2004, 382 с; В.А. Крючков. Личность и власть. «Просвещение», Москва, 2004, 381 с.; С.И. Голотик, В.В. Минаев. Население и власть. Очерки демографической истории СССР 1930-х годов. Изд-во Ипполитава. М., 2004, 306 с.; Г. Куманев. Говорят сталинские наркомы. Смоленск. «Русич», 2005, 631 с.; Юрий Жуков. Иной Сталин. Политические реформы в СССР в 1933-1937 гг. «Вагриус», М., 2005, 510 с.; Юрий Мухин. Антироссийская подлость. М. Крымский мост. 9. Д. Форум. 2003; он же. За что убит Сталин? «Яуза», Москва - 2005; Г.М. Иванова. История ГУЛАГА. 1918-1958. Наука. Москва, 2006; О.Б. Мозохин. Право на репрессии. Внесудебные полномочия органов Государственной безопасности. (1918-1953). «Кучково поле» Москва – Жуковский, 2006, 479 с.; Лев Барский. Сталин. Портрет без ретуши. Комкнига. Москва, 2007, стр. 328

Шунингдек мазкур масалани янгича талқин этиш маълум даражада Н. Верт, А.С. Барсенков, А.И. Вдовин асарларида ҳам ўз ифодасини топган.¹

Россия Федерациясида сўнги вақтларда сиёсий қатағон мавзуйи ва унинг кўплаб йўналиш ва қирраларини очиб берувчи кўплаб жиддий илмий тадқиқот ишлари эълон қилинган. Улардан бири Дмитрий Лысковнинг **“Запретная правда о «сталинские репрессиях» «Дети Арбата» лгут!”**² китоб тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда фактик материал, иккинчи қисмда шахсга сиғинишнинг фош этилиши, учинчи қисмда улуғ ватан уруши давридаги сталинча қатағон, тўртинчи қисмда қатағон ва ҳозирги замон масалалари янгича руҳда ёзилган. Ушбу китобда биринчи марта РСФСР Жиноят Кодекси ва унинг махсус қисмлари талқин этилган. Сиёсий қатағон қилиш учун ҳуқуқий манба ва асос бўлиб хизмат қилган Жиноят Кодексининг 58-моддаси ва 14 бантлари таҳлил қилинган. Ана шу РСФСР Жиноят Кодекси асосида миллий Республикалар, жумладан, Ўзбекистон ССР Жиноят Кодекси андоза ва асос қилиб олинган. Ана шу 58-модда асосида Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 66-67-моддалари ишлаб чиқилган ва ана шу моддалар асосида қатағон механизми ишга солинган.

Россия Федерациясида ана шу мавзуга бевосита алоқадор нашр юзини кўрган ҳужжатли материаллар қаторига «Лубянка, Сталин и ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД январь 1922 – декабрь 1936» ва «Лубянка. Сталин и главное управление госбезопасности НКВД 1937-1938» номли тўпламларни³ кўрсатиш мумкин. Шу жумладан уларда Ўзбекистонга доир ноёб ҳужжатлар ҳам келтирилган. Масалан, 1937 йил 2 август санаси қўйилган 158-сонли ҳужжатда И.В. Сталиннинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига йўллаган раҳбар ходимлар таркибини ўзгартириш тўғрисидаги шифртелеграммасини келтириш мумкин: «Каримов Халқ Комиссарлар Совети раислигига ярамайди, бу ҳақда Сизга ҳабар қилинган. ВКП(б) Марказий Комитети Каримовни бошқа номзод билан алмаштирилишини талаб қилади. Болтабоевни Халқ Комиссарлар Совети раислигига кўтариб бўлмайди, чунки унга ҳам қамокқа олинганлардан Рисқулов, Хўжанов, Отабоев, Файзулла Хўжаевлар бўхтон қилмоқдалар, Тўрабековни Халқ Комиссарлари раислигига кўтаришга уриниб кўринг. Бизнингча Ўзбекистонда антисовет элементлар билан кураш

¹ Н. Верт. История Советского государства. 1900-1991. Второе исправленное издание. Перевод с французского. Издательство «Весь мир», Москва, 2002, 643 с.; А.С. Барсенков, А.И. Вдовин. История России. 1917-2004. Аспект пресс. – Москва, 2005, 815 с.

² Дмитрий Лысков. Запретная правда о «сталинские репрессиях» Москва. «ЯУЗА-ПРЕСС» 2012. С.286

³ Россия XX век. Документы. Лубянка. Сталин и ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД. Январь 1922 – декабрь 1936. Составители: В.Н. Хрустов, В.П. Наумов, Н.С. Плотникова. Москва, 2003, 910 с.; Россия XX век. Документы. Лубянка. Сталин и главное управление госбезопасности НКВД. 1937-1938. Составители: В.Н. Хрустов, В.П. Наумов, Н.С. Плотникова. М., 2004, 734 с.

олиб борилмаяпти, Икромов эса ана шундай элементлар орасида қолган, уларни у кўрмайяпти, аҳамият бермаяпти. ВКП(б) МК котиби Сталин».¹ Ёки бўлмасам, ВКП(б) МК Сиёсий бюроси 1938 йил 31 январда «Антисовет элементлар тўғрисида» қарор қабул қилган, унга кўра Ўзбекистон ССР бўйича биринчи категория бўйича 2000, иккинчи категория бўйича 500 нафар собиқ қулоқлар, жинойтчилар ва антисовет элементлар фаолларини қамоққа олиш кўрсатилган.²

Россия Федерациясида нашр этилган «Трагедия советской деревни: Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5 томах (1937-1939)» номидаги туркум хужжатлар тўпламининг 5-жилди 1-китоби 2004 йили нашрдан чиқиши ҳам муҳим воқеа бўлди. Унда таниқли олим В.П. Даниловнинг қаламига мансуб «Кириш» ва «Совет кишлоғи «Қатта қирғин» йилларида» номли, Роберт Т. Маннингнинг «Сиёсий террор сиёсий театр сифатида. 1937 йил. Районлар кўрғазмали судлари» номли мақолари диққатга сазовор. Ушбу жилдда 1937 йилга доир хужжатлар эълон қилинган. Улар орасида Ўрта Осиё минтақасига, жумладан Ўзбекистон Республикасига даҳлдор бир қанча хужжатлар ҳам бор.¹

Москвада «РОССПЭН» нашриёти 2004-2005 йиллари ҳар бири 60 босма табоқдан иборат 7 жилдлик «История Сталинского ГУЛАГА. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в семи томах» архив хужжатлар тўпламини нашр этди. Биринчи жилд «Массовые репрессии в СССР», иккинчи жилд «Карательная система: структура и кадры», учинчи жилд «Экономика ГУЛАГА», тўртинчи жилд «Население ГУЛАГА: численность и условия содержания», бешинчи жилд «Спецпереселенцы в СССР», олтинчи жилд «Восстания, бунты и забастовки заключенных», еттинчи жилд «Советская репрессивно-карательная политика и пенитенциарная система в материалах Государственного архива Российской Федерации. Аннотированный указатель дел» деб номланган.²

Бу улкан манбалар асосида Ўзбекистонда 1937-1950 йилларда амалга оширилган сиёсий қатағон билан боғлиқ бир қанча воқеаларни кузатиш мумкин.

1937-1938 йилларда сиёсий қатағон қилинганларни реабилитация қилиш муаммосига, жараёнига, натижасига бағишланган 2000-2003 йилларда нашр этилган 2

¹ Лубянка, Сталин главное управление госбезопасности НКВД. 1937-1938..., 297-бет.

² Ўша асар, 467-468-бетлар.

¹ Қатта террор айбдорлари ҳақида янги талқинлар Андижон, 2007, 4-бет

² Ўша китоб 5-бет

жилдлик архив хужжатлар тўпламининг нашрдан чиқиши ҳам муҳим воқеа бўлди.³ Ана шу реабилитация қилиш жараёнида ўзбек халқининг ажойиб фарзанди, давлат ва жамоат арбоби, дипломат Нуриддин Акрамович Муҳитдиновнинг иштироки ва фаолияти ҳақида келтирилган хужжатлар ҳам диққатга сазовордир.

2002 йили академик А.Н. Яковлевнинг умумий таҳрири остида «ГУЛАГ (Главное управление лагерей) 1918-1960. Составители: А.И. Кокурин и Н.В. Петров» (Москва, 2002, 886 с.), «Сталинские депортации 1928-1953» (Составители: Н.Л. Поболь, П.М. Полян. Москва, 2005, 902 с.) номли архив хужжат ва материаллар тўпламининг нашр қилиниши 1937-1938 йиллардаги сиёсий қатағон ва унинг оқибатлари масаласини кенг ва катта кўламда тадқиқ этиш учун муҳим манбавий база бўлиб хизмат қилишига шак-хубҳа йўқ.

Москвада ташкил этилган «Реабилитация қилинган сиёсий қатағон қурбонлари ҳуқуқини тиклаш бўйича идоралараро доимий комиссияси» (Постоянная межведомственная комиссия) 1997-2003 йиллар мобайнида «**Сиёсий қатағон қурбонлари хотира китоби**» рукни остида 7-жилдлик «Бутовский полигон. 1937-1938» номли асарни нашрдан чиқарди.¹ Унда Бутово полигонида отилган ҳамда шу жойга кўмилган 20761 киши ҳақида маълумотлар келтирилган. Бу маълумотлар Россия Федерацияси Федерал Хавфсизлик Хизматининг Москва ва Москва области бўйича Бошқармаси архивининг 2-фонди материалларидан олинган.

Бутово полигонида отилган ва шу жойга кўмилганлар орасида Ўрта Осиё ва Қозоғистондан 151 киши бўлиб, улардан 102 нафари Дмитров лагеридаги махбуслар бўлган. Улардан 52 нафари ўзбек, 16 нафари туркман, 9 нафари қозок, 4 нафари тожик, 2 нафари қирғиз, 2 нафари уйғур бўлган. Улар ҳақида ҳам қисқача маълумотлар келтирилган.

Сиёсий қатағон қурбонлари хотира китоби рукни остида «Расстрелянные списки. Москва, 1937-1941. «Коммунарка», «Бутово» номли китобда² 1937-1938 йилларда отилган 3737 киши ҳақида маълумотлар келтирилган. Жумладан, Бурнашев Ханиф Хасанович (Наманган шахридан), Икромов Акмал (Тошкент шахридан), Қодиров Наби Абдужалилович (Туркистон шахридан), Кахаров Абдуразақ Қахарович (Қўқон шахридан),

³ Реабилитация: Как это было. Документы Президиума ЦК КПСС и другие материалы. Март 1953 – февраль 1956. Составители: А. Артизов, Ю. Сигачев, И. Шевчук, В. Хлопов. М., 2000, 502 с.; Реабилитация: Как это было. Февраль 1956 – начало 80-х годов. Составители: А. Артизов, Ю. Сигачев, И. Шевчук, В. Хлопов. М., 2003, 958 с.

¹ Бутовский полигон. 1937-1938. В семи выпусках. М., 1997-2003.

² Расстрелянные списки. Москва, 1937-1941. «Коммунарка», Бутово. М. Общество «Мемориал» - издательство «Звенья», 2002.

Хўжаев Файзулла Убайдуллаевич (Эски Бухоро шахридан), Хожибоев Абдурахим (Ленинобод, хозирги Хўжанд шахридан)лар хақида ҳам қисқача маълумотлар келтирилган.

Россия Федерациясида сиёсий қатағон қурбонлари хотира китобини яратиш яхши йўлга қўйилган ва бу борада таҳсинга сазовор ишлар қилинмоқда. Масалан 2004 йилгача Россиянинг автоном республикалари, областлари ва шаҳарларидан 90 тасида сиёсий қатағон қурбонлари хотира китоблари яратилди. Белоруссиянинг 7, Қозоғистоннинг 15, Украинанинг 26 маъмурий худудлари бўйича Сиёсий қатағон қурбонлари хотира китоблари нашрдан чиқди ва бу соҳадаги иш яна давом этмоқда.¹

Юқорида зикр этилган адабиётларда 1937-1938 йиллардаги Катта қирғиннинг «ижодкорлари» хақида ҳар хил фикрлар, жумладан, ўша фожеада И.В.Сталиннинг ўрни ва роли масаласида ҳам бир-бирига зид қарашлар илгари сурилган. Бу асарларнинг кўпида Сталин шахсиятига анча объектив баҳо берилган, Катта қирғинда биргина у айбдор бўлмагани хақида янгича талқинлар келтирилган.

Ана шу хилма-хил ёндашув ва талқинларни тушуниб олиш, уларнинг туб моҳиятини англаш орқали Ўзбекистондаги сиёсий қатағон, Катта қирғин ва унинг қай йўсинда амалга оширилгани, унинг сабабчилари, айбдорларини анча аниқ тасаввур қилиш мумкин бўлади.

Хорижлик бир қатор тарихчи олимлар хусусан россиялик олимлар сўнгги йилларида совет ҳукумати сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланган қатағончилик сиёсати айбдорлари бўйича бир қатор янги талқиндаги асарларнинг яратмоқдалар. Ушбу сиёсий қатағон сиёсати бевоситаси айбдори Сталин эмаслиги ва шунингдек улар Сталин шахсига ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатдан талқин қилишаётир.

Масалан: Таниқли ёзувчи, ҳарбий арбоб, БМТ қошидаги Ахборотлаштириш Халқаро Академияси академиги, Россия Ҳарбий Фанлар Академиясининг фахрий академиги **Владимир Карповнинг** репрессия тўғрисидаги янгича мулоҳазалари диққатга сазовордир. У ўзининг Генералиссимус. Книга первая асарида шундай ёзади: «Сталин учун ҳам ўша вақтда СССРда мавжуд бўлган қонунлар учун троцкийчилар ҳам юридик, ҳам амалий жиҳатдан ҳақиқий жиноятчилар эди, буни уларнинг ўзлари ҳам инкор этмаганлар.

¹ Катта террор айбдорлари хақида янгича талқинлар Андижон , 2007, б.6

Демак, репрессия ҳам жиноятга, троцкийчиларнинг, аксилинкилобчиларнинг ва харбий суиқасдчиларнинг душманлик фаолиятига нисбатан табиийки жавоб реакцияси бўлган».¹

Тадқиқотчи Юрий Козенков ўз асарида² бошқа масалалари билан бир қаторда 30-йилларда советларга қарши қаратилган харбий исён ва бешинчи колоннага берилган зарба ҳақида бир қанча янги фикрларни илгари сурди. Жумладан, у сионистлар³ назорати остида бўлган матбуот ва телевидениянинг ошкоралик тўғонлари очилиши биланоқ 1937-1938 йилларда харбий исёнда иштирок этгани учун судлар ҳукмлари билан отилиб кетган партия, армия, ОГПУ-НКВД тизимларидаги миллатдошларини, халқ жаллодларини оқлаб Сталинни террор ташкил қилганликда айблай бошладилар, деб ёзади. Муаллфлар фақат фукаролар уруши йилларида 18 миллион кишининг йўқ бўлишининг айбдорлари инсониятдаги зоти паст ўз қабиладошларини, минглаб жаллодларни, на Ленинни, на Троцкийни, на Свердловни, на Зиновьевни, на Урицкийни эсламаганликларини қайд этади. Улар рус халқини йўқ қилишнинг жаллодларидан Менжинский, Ягода, Берияларни эсламасдан фақат рус ва бошқа халқларнинг жаллодлари бўлмиш ўз қабиладошларини йўқ қилингани тўғрисида аюханнос солдилар. Мана бу ҳақиқий, энг учига чиққан яҳудий ирқчилиги ва фашизмидир дейди Ю.Козенков.¹

Аммо халқни аҳмоқ қилмоқ, чув туширмоқ қандайдир даврдагина мумкин, кейин эса бари-бир одамлар тушуниб етадилар, деб Юрий Козенков Троцкийнинг давлатдаги барча лавозимлардан четлатилиши Ғарбдаги сиономасончилар марказига ва СССРдаги бешинчи колоннага берилган катта зарба бўлганини таъкидлайди. Унингча, сионистларнинг энг асосий ҳатоси шу бўлдики, улар ўзларининг бутун умидини Троцкийга қаратганлар, уни энг асосий таянчи деб билганлар, Троцкий калибрига мос бошқа заҳирадаги фигурага эга бўлмаганлар.

¹ Карпов Владимир. Генералиссимус. Книга первая. Вече. Москва, 2003. стр. 105-111; 155.

² Козенков Юрий. Голгофа России. Схватка за власть. Краткая хроника преступлений мирового сионизма масонств и Запада против России (От Сталина до Ельцина) Москва. 2003.

³ Сионизм (Куддусдаги Сион тепалиги номидан олинган: Библия ривоятларига кыра, бу ерда Довуд подшонинг қароргоҳи ва худо Яхванинг уйи бўлган) –Яҳудийларнинг Фаластинга келишини рағбатлантириш ва у ерда яҳудийлар давлатини тузиш орқали яҳудийларнинг ўз-ўзини англашини тиклашга қаратилган мафкура. XIX аср охирида вужудга келган. 1948 йилдан кейин Исроилни дунё микёсида ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга мўлжалланган. Социалистик ва либерал оқимлардан тортиб то шовинистик руҳда бўлган бир қанча оқимларни ўч ичига олади. Сионистик ташкилотлар 60 дан ортиқ мамлакатда иш олиб боради. Етакчиси-жаҳон сионистлари ташкилоти (1897 йилда тузилган), қароргоҳи Исроил ва АҚШда. Ўзбек миллий энциклопедияси. 7. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Тошкент, 2004, 639-бет.

¹ Катта террор айбдорлари ҳақида янги талқинлар Андижон , 2007, 32-бет

Тарих фанлари доктори, Россия Фанлар академияси, Россия тарих институти етакчи илмий ходими, 8 монография, жумладан «Кто и зачем развязал массовые репрессии?», «Почему был убит Киров?», «Существовал ли на самом деле заговор против Сталина?» асарлар муаллифи Юрий Николаевич Жуков (1938 йили туғилган)нинг «Иной Сталин» номли китобида мазкур мавзунинг янгидан-янги қирралари очиб берилган.²

ВКП(б) Марказий Комитетининг 1937 йил 23-27 июндаги пленумида Марказқўм секретари Я.А. Яковлев янги сайлов қонуни тўғрисида маъруза қилади. Қонун лойиҳаси 26 майда Сиёсий бюро тузган комиссия томонидан ҳам кўриб чиқилган эди. Я.А. Яковлев янги сайлов тизимининг хусусиятлари ҳақида эслатиб, эндиги сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин тарзда ётишини айтади.

СССР Конституцияси ҳар бир жамоат ташкилоти ва меҳнаткашлар жамоасига СССР Олий Советига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқини бергани, бу модда катта аҳамиятга эга бўлиб, у Сталин таклифи билан киритилгани, унинг мақсади-демократияни ривожлантириш ва кенгайтиришдан иборатлиги кўрсатилди. Бу модда советларга сайловлар ўтказишда чинакам, ҳақиқий демократияни таъминлар эди. Округ сайлов комиссиялари зиммасига тегишли округлар бўйича СССР Олий Советига жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашлар жамоаси томонидан кўрсатилган номзодларнинг барчасини рўйхатга олиш ва сайлов бюллетенларига киритиш вазифаси юклатилгани, округ комиссиялари номзодларни руйхатга олишдан бош тортган ҳолатда икки кун муддат ичида Марказий сайлов комиссиясига шикоят қилиши ва комиссиянинг қарори билан масалани узил-кесил ҳал қилиш ҳам кўрсатилди. Депутатликка номзод бўлганларга ҳеч қандай алоҳида талаблар қўйилмайди. Улардан фақат қонунда белгиланган тартибда руйхатга туришлари талаб қилинган. Номзодни кўрсатган йиғилиш ёки мажлис баённомасини йиғилиш вакили сайлов комиссиясига тақдим қилади.

Сталин янги сайлов тизими тўғрисидаги қонун тарихий бурилиш эканини, Ғарбда кўппартиявийлик туфайли бунақа муаммо йўқлигини таъкидлаб *«Бизда ҳар хил партиялар йўқ. Бизнинг бахтимизми, ёки бахтсизлигимизми, бизда битта партия мавжуд»*, - деган. Шу боис Сталин сайловлар устидан адолатли назорат ўрнатиш учун вақтинчалик чора сифатида мавжуд бўлган барча жамоат ташкилотларидан (партиядан эмас) фойдаланишни маслаҳат берган.

² Ўша асар 35-бет.

Пленум ўша 27 июнь кунда бир овоздан янги сайлов қонун лойиҳасини қабул қилади ва уни тасдиқлаш учун СССР Марказий Ижроия комитети сессиясини 7 июлда чақаришни тасдиқлайди.

Пленум ўз ишининг сўнгги 29 июнида Сиёсий бюронинг таклифи билан «аксилинқилобий гуруҳга алоқадорликда айблаб» Марказкўмга аъзо ва аъзоликка номзодлардан чиқариш ва партиядан ўчиришни тасдиқлади.

И.В.Сталин Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Усмон Юсупов, Нуритдин Муҳитдинов каби ўзбек арбобларига нисбатан ҳам яхши муносабатда бўлган.

Акмал Икромов масаласи 1937 йил сентябрида сиёсий бюро йиғилишида кўрилганда ҳам Сталин унинг тарафини олган.

Бу ўринда Н.А.Муҳитдиновнинг мана бу эсдалиги ҳам диққатга сазовордир; «...Қисқа мажлис хулосасини кўлга олдим. Унда Икромовнинг аризаси баёни, унинг тушунтиришлари, саволлар ва жавоблар, унинг сўнгги сўзи, Сталиннинг танбеҳи, иш муаллифларининг фикр-мулоҳазалари, секретариятга берилган топшириқ акс эттирилганди. Мажлис баёни билан танишиб чиққач, Пётр Николаевич (Поспелов-Р.Ш)дан сўрадим:

-Нима сабабдан Каганович, Берия, Ежов, Микоянлар Сталин ижобий фикр билдирганига қарамасдан, уни отиб ўлдириш ҳақидаги фикрларига қаттиқ ёпишиб олдилар?

-Улар,- деб жавоб берди у,- афтидан, Икромовнинг ўлдиришдан манфаатдор эдилар...»¹

Сталин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи котиби Усмон Юсуповни ҳам муносиб қадрлаган ва зарур пайтда уни химоя қилган. 1939 йилдаги катта Фарғона қурилишидаги Усмон Юсуповнинг жўшқин ташкилотчилик, амалий фаолиятдан Сталин мамнун бўлгани ҳаммага маълум. 1938 йили қатағоннинг қора булутини Усмон Юсупов боши уцида хавф туғдирган таҳликали кунларда шошилинич Москвага бориб Ўзбекистондаги жаллодлардан, Априяннинг тузоғидан чиқиб сақланиб қолиши ҳам Сталин номи билан боғлиқ.

Қатағон ва унинг кўпдан-кўп фожеалари ўша вақтдаги маҳаллий раҳбарларнинг фаолияти билан ҳам боғлиқ эканини, ҳатто улар бу борада ташаббус кўрсатганликларини ҳам ҳисобга олиш даркор. Ўз навбатида биринчи котиблар ўз лавозимларида қолар эканлар ўз коллегиялари билан нима содир бўлаётганига эътибор бермадилар.

¹ Катта террор айбдорлари ҳақида янги талқинлар Андижон , 2007, 32-бет

Аввалгидек, улар тротскийчиларга, зиновгевчиларга, ўнгламга, партиясиз деҳқонлар оммасига нисбатан энг қаттиқ, зўравонлик чоралар кўрилишини қизғин қўллаб-қувватлаб чиқдилар. Энди улар ўз назорати худудларидаги совет ходимларини репрессия қилишга жон-жаҳдлари билан уриндилар. Сиёсий бюро ва Сталин 1937 йил июн охирига қадар бундайларни бир неча бор тартибга чақириб, қойиб, кескин танбех бериб қуйишга мажбур бўлдилар. Эндиликда улар амалда тўлалигича эркин ҳаракат қилишга эга бўлдилар, уларнинг бу ёлдаги ҳаракатларини ҳеч қайтариб бўлмас эди, бу борада улар чекланмаган фаолият кўрсатишга эришган эдилар.

Бу ўринда айрим характерли мисоллар келтириш мумкин.

1937 йил 24 июнда Сиёсий бюро ҳеч қандай шарҳларсиз Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети биринчи котиби А.Н.Икромовнинг қуйидаги илтимосини зудлик билан тасдиқлаб берди:

«Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети Файзулла Хўжаевни миллатчилар, аксилинқилобчилар, террорчилар билан алоқада бўлгани учун Ўзбекистон Халқ Комиссарлар Совети раиси лавозимидан бўшатишга ВКП(б) МК санкция беришини сўрайди. Файзулла Хўжаев ҳозирда қамоққа олинган Аминов, Санжяев (Саиджонов бўлса керак-Р.Ш) Отахўжаев, Қурбонов Н, Сатторхўжаев, Бурхонов, Ибод Хўжаев ва бошқа бир қатор йирик миллатчилар-террорчилар билан доимий равишда алоқада бўлиб турган. Улардан бир қисми партия ҳужжатларини текшириш вақтида миллатчилар сифатида партиядан чиқарилган бўлсада, у нафақат улар билан алоқани узмаган, аксинча уларни ҳимоя қилиб чиққан, уларни нотўғри партиядан чиқарилган деб уларни партиёга тиклаш тўғрисида мувожаат қилган, улар билан ошқора шахсий алоқада бўлган. Шунингдек, у Бухорода ўрнашиб олган зарарқунанда миллатчи-тротскийчилар гуруҳини ҳимоя қилиб чиққан. Унинг укаси Ибод Хўжаев (ўз жонига қасд қилиб, ўзини-ўзи ўлдирган)нинг уйида бўлган миллатчи-террорчилар кенгашида террорчилик актини тайёрлаш тўғрисидаги масала муҳокама қилинган. Бу кенгашнинг барча иштирокчилари ҳозирда қамоққа олинган ва ўз айбларига иқроор бўлганлар. Бунга қарамасдан Ф.Хўжаев Ўзбекистон КП(б) МКнинг мартдаги пленумида ва сездидеги ўз чиқишларида бу ишни ҳар жиҳатдан текизлашга уринган, қолмишига, Ф.Хўжаев гўё унинг укаси ўз жонига суиқасд қилган Ибод Хўжаев партиядан нотўғри чиқарилганининг қурбони бўлди, деган миш-мишлар тарқатган. Пухта ва жуда синчковлик билан тергов қилиш унинг бу ишдаги раҳбарлик ролини фош этилишига менинг ишончим комилдир.»

Ўзбекистон КП(б) МКнинг 1937 йил сентябр пленуми А.Икромовнинг ўзини партиядан ўчирди. 1938 йил мартада эса А.Икромов ва Ф.Хўжаев биргаликда суднинг қора стулида бирга ўтирдилар. Улар «Советларга қарши ўнг-тротскийчилар блоки» иши бўйича айбландилар ва бир кунни ўзида ҳар иккиси ҳам отиб ташландилар.

II БОБ. ОММАВИЙ ҚАТАҒОН СИЁСАТИ ВА УНИНГ АНДИЖОНДАГИ ОҚИБАТЛАРИ

2.1. 1937-1938 йилларда қатағон қилинган андижонликлар.

Н. Ежов имзолаган “Собик қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа антисовет элементларни қатағон қилиш бўйича операция тўғрисида”ги 00447-сонли оператив мутлақо махфий тамға остидаги буйруғида давлат хавфсизлиги органлари олдида бу антисовет элементлар бандасини ҳеч ҳам аямасдан тугатиш, меҳнаткашларни, совет халқини уларнинг аксилинқилобий ҳуружларидан ҳимоя этиш ва уларнинг Совет давлатининг асосига, негизига қарши қилган аблаҳона кўпоровчилигини таг-туғи билан абадул-абад йўқ қилиш зарурлиги ҳам кўрсатилган.

Буйруғда операцияни ўтказиш бўйича 7 пунктдан иборат йўриқнома ҳам келтирилган. Қатағон қилинадиганлар контингенти қуйидагилардан иборат эди:

1. Жазони ўтаб қайтган ва фаол антисовет қўпоровчилик фаолиятини давом эттираётган собиқ қулоқлар.

2. Лагерлар ёки меҳнат посёлкаларидан қочиб кетган собиқ қулоқлар, шунингдек, қулоққа тортилишдан яшириниб, советларга қарши фаолият олиб бораётган собиқ қулоқлар.

3. Исёнкор ва фашистик, террорчи ва бандитлар қўшилмаларидаги, жазони ўтаб, қатағондан яшириниб ёки қамок жойларидан қочиб кетган ва ўзининг советларга қарши жиноятқора фаолиятини тиклаб олган собиқ қулоқлар ва ижтимоий хавфли унсурлар.

4. Советларга қарши партиялар (эсерлар, грузмекилар, дашноқлар, муссаватчилар, иттиходчилар) аъзолари ва қатағондан яшириниб юрганлар, қамок жойлардан қочиб кетганлар ва фаол антисовет қўпоровчи фаолият олиб бораётган собиқ оқлар, жандармлар, чиновниклар, жазо берувчилар, бандитлар, бандитларга қўмаклашаётганлар, переправшиқлар, реэмигрантлар.

5. Тергов ва текширув агентлари материаллари билан фош қилинган, тугатилган казак-оқ гвардиячиларнинг исёнкор ташкилотлари, фашистик, террорчи ва жосус-қўпоровчи қўшилмаларнинг энг душман ва фаол иштирокчилари.

Шунингдек, ҳозирда қамокда, терговда сақланаётган, уларнинг айримларининг иши тугаган, бироқ, ҳали суд органлари кўриб чиқмаган ана шу категориядаги унсурлар ҳам қатағон қилиниши кўзда тутилган.

6. Турмаларда, лагерларда, меҳнат посёлкаларида ва колониялар қамокхоналарда сақланаётган ва бу жойларда фаол антисовет қўпоровчилик иши олиб бораётган собиқ қулоқлар, жазокорлар, бандитлар, оқлар, сектантлик фаоллари, черковчилар ва бошқалар.

7. Жиноий фаолият олиб бораётган жиноятчилар (бандитлар, талончилар, ўғри-рецидивистлар) ва жиноий муҳит билан боғланганлар. Лагерларда ва меҳнат посёлкалардагилар ва у жойларда жиноий иш олиб бораётган жиноятчи элементлар.

Ҳозирги вақтда қишлоқларда, колхозларда, совхозларда, қишлоқ хўжалик корхоналарида ва шаҳарлардаги саноат ва савдо корхоналарида, транспортда, совет

муассасаларида ҳамда қурилишдаги юқорида келтирилган барча контингентдагилар қатағон қилиниши зарурлиги буйруқда қайд этилган.¹

Қатағон қилинадиганлар ва уларнинг миқдори ҳамда жазолаш чоралари буйруғда белгилаб берилган.

1. Қатағон қилинадиган қулоқларнинг жинойтчилар ва бошқа антисовет элементлар икки тоифага бўлинган:

а) Биринчи тоифага юқорида қайд этилган энг ашаддий унсурлар кирган. Улар дарҳол қамоққа олиниб, ишлари учликда кўриб чиқилиб отувга ҳукм қилиниши кўрсатилган;

б) Иккинчи тоифага қамроқ фаол бўлган, лекин душман қайфиятдаги элементларнинг қолганлари кирган. Улар хибсга олиниб 8 йилдан 10 йилгача лагерлар қамоғига олиниши, уларнинг энг ашаддий ва ижтимоий хавфлилари учлик томонидан турмага ана шу муддатга ҳукм қилиниши лозим бўлган.

Ички ишлар халқ комиссарлигининг республика халқ комиссарликлари ва НКВДнинг ўлка ва вилоятлар бошқармалари, бўлимлари бошлиқлари томонидан қатағон қилинадиганлар миқдори қуйидагича белгиланган:¹

Бироқ НКВДнинг республикалар халқ комиссарликлари ва ўлка, вилоятлар бошқармалари, бўлимлари бошлиқлари бу рақамларни ўз ҳолича ошириб юбориш ҳуқуқига эга бўлмаганлар. Ҳар қандай шароитда ҳам рақамларни ўзлари истаганча кўпайтиришларга йўл қўйилмаслиги кўрсатилган.

Агарда шароит, вазият тасдиқланган рақамни ортиғи билан бажаришни тақоза этса, у ҳолда НКВДнинг республикалар халқ комиссарлари, вилоят ва ўлка бошқармалари, бўлимлари бошлиқлари халқ комиссари Н.Ежовга асосланган тегишли таклифларни тақдим этишлари кўрсатилган.

Рақамларни камайтириш ёки биринчи тоифа бўйича қатағон қилинадиган шахсларни иккинчи тоифага ўтказиш ва аксинча иккинчи тоифадан биринчи тоифага ўтказишга рухсат берилган.

4. Биринчи ва иккинчи тоифалар бўйича ҳукм этилганларнинг оилалари қатағон қилинмаган.

Бундан қуйидагилар мустасно бўлган:

¹ Ватанимиз ўтмишидан. Андижон, 2005 Б 145-158

¹ Ватанимиз ўтмишидан. Андижон. 2005.161-бет.

а) фаол антисовет ҳаракатларга қодир оила аъзолари. Бундай оилалар аъзолари учликнинг махсус қарори билан лагерларга ёки меҳнат посёлкаларига жойлаштирилиши кызда тутилган.

б) биринчи тоифа бўйича қатағон қилинган, чегара зоналарда яшаётган оила аъзолари чегара зонасидан ташқаридаги республикалар, вилоятлар ва ўлкалар ичидаги хуудларга кўчирилиши кўзда тутилган.

в) биринчи тоифа бўйича қатағон қилинганлар ва уларнинг Москва, Ленинград, Киев, Тбилиси, Боку, Ростов-на Дону, Таганрогда ва Сочи, Гагра ва Сухумида яшаётган оилалари бу пунктлардан ўзлари танлаб олган бошқа вилоятларга (чегара районларидан ташқари) кўчирилиши лозим бўлган.

5. Биринчи ва иккинчи тоифалар бўйича қатағон қилинган оилалардаги аъзоларнинг барчаси ҳисобга олинган ҳамда улар доимий равишда назоратда бўлганлар.

Буйруғда операцияни ўтказиш тартиблари ҳам белгилаб берилган.

Операцияни 1937 йил 5 августда бошлаш ва тўрт ой муддатда якунлаш; Туркманистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон совет социалистик республикаларида операцияни 1937 йил 10 августидан, Шарқий Сибир вилоятида, Красноярск, Узоқ Шарқ ўлкаларида эса 15 августдан бошлаш кўрсатилган.

Биринчи навбатда биринчи тоифадаги контингентдагилар қатағон қилинган.

Иккинчи тоифадаги контингентдагиларни махсус кўрсатма ва фармойиш келгунга қадар қатағон қилиш мумкин бўлмаган.

Шу жумладан НКВДнинг республикалар халқ комиссарликлари, НКВДнинг вилоят бошқарма ва былимлари биринчи тоифа контингенти бўйича операцияларни ўтказишни якунлаганларидан сўнг иккинчи тоифадаги контингент бўйича операцияни ўтказишга киришишлари керак бўлган. Н.Ежовнинг бу ҳақдаги санкцияси олингандан сўнггина иккинчи тоифадагилар бўйича операцияни бошлаш мумкин бўлган.

Барча қамоққа олинганлар ва ҳар-хил муддат билан лагер ва турмаларга ҳукм қилинганларга нисбатан ҳукмлар чиқарилиши билан бу ҳақда Н.Ежовга қанча одамга ҳукм чиққани, қанча одам қандай муддатга турма ёки лагерга ҳукм этилгани хабар қилиниши талаб қилинган. Бу маълумотлар олинган Н.Ежов қайси тартибда ва қайси лагерларга ҳукм қилинган махбусларни юбориш тўғрисида кўрсатма берган.

Республикалар, ўлкалар ва вилоятлар хуудларида маҳаллий шароитлар ва юзага келган вазиятга мувофиқ равишда оператив секторлар ташкил қилинган.

Ҳар бир сектор бўйича операцияни ташкил этиш ва ўтказиш учун оператив гуруҳлар тузилган, бу гуруҳлар ўзларига юклатилган жиддий оператив вазифаларни мувоффақиятли эплай оладиган НКВДнинг маъсул ходимларидан иборат таркибда тузилган.

Айрим ҳолатларда оператив гуруҳларнинг бошлиқлари энг тажрибали ва қобилиятли район ва шаҳар ички ишлар бошлиқларидан тайинланган.

Оператив гуруҳлар зарур оператив ходимлардан шаклланган ва улар транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланган.

Шунингдек Оператив ҳолат талабидан келиб чиқиб гуруҳларга ҳарбий ёки милиция қисмлари ҳам берилган.

Оператив гуруҳлар бошлиқларига қатағон қилинадиганларни аниқлаш ва уни ҳисобини олиб бориш, терговга, тасдиқланган айблов ҳулосаларга ҳамда “учлик”ларнинг ҳукм чиқаришлари ва уларнинг ижро этилишига раҳбарлик қилиш вазифаси топширилган.

Шунингдек ушбу оператив гуруҳ бошлиғи ўз сектори ҳудудида операцияни ташкил этиш ва ўтказишга маъсул бўлган.

Ҳар бир қатағон қилинаётган учун батафсил маълумотлар, айбдор қилувчи материаллар тўпланиб, бу материаллар асосида қамокқа олинадиганлар рўйхатлари тузилган, улар оператив гуруҳ бошлиғи томонидан имзоланган ва 2 нусхада кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун ички ишлар халқ комиссарлигига, НКВДнинг бошқарма ёки вилоят бўлими бошлиғига юборилган.

Ички ишлар халқ комиссарлиги НКВДнинг бошқарма ёки вилоят бўлим бошлиқлари рўйхатларни кўриб чиқиб, тақдим этилган рўйхатдаги шахсларни ҳибсга олишга санкция берганлар.

Тасдиқланган рўйхат асосида оператив гуруҳ бошлиғи қамокқа олган. Ҳар бир ҳибсга олиш ордер билан расмийлаштирилган. Ҳибсга олиш пайтида кунт билан тинтув қилинган, қурол, ўқ дори, ҳарбий анжомлар, портлатувчи моддалар, захарловчи ва захарли моддалар, аксилинкилобий адабиётлар, қимматбаҳо металл монеталар, кўйилмалар, чет эл валютаси, кўпайтирувчи приборлар ва ёзишмалар тортиб олинган.

Барча тортиб олинган нарсалар баённомага киритилган.

Ҳибсга олинганларни ички ишлар халқ комиссарлиги, НКВДнинг бошқарма ва вилоят бўлимлари бошлиқлари томонидан белгиланган пунктларда тыплаганлар, бу пунктларда қамокқа олинганлар учун яроқли бинолар ажратилган. Ҳибсга олинганлар

соқчилар назоратида бўлганлар. Қочиб кетиш ёки бошқа қандайдир эксцесслар бўлмаслигини қафолатлайдиган тадбирлар белгиланган.

Учлик материаллар характери ва қамоқдаги махбуснинг ижтимоий хавфлилиги даражасига қараб 2-тоифа бўйича қатағон қилинаётган шахсни 1-тоифага, 1-тоифа бўйича қатағон қилинаётган шахсни 2-тоифага ўтказиши мумкин бўлган. Учлик ўз йиғилишларини баённомаларда акс эттириб борган, уларда ҳар бир ҳукм қилинаётганга нисбатан чиқарилган ҳукм ёзилиб борилган.

Йиғилиш баённомаси ҳукмни ижро этилиши учун оператив гуруҳ бошлиғига юборилган.

Тергов ишига ҳар бир ҳукм қилинганга нисбатан баённомадан кўчирма тиркаб қўйилган.

Ҳукмни ижро қилиш тартиби ҳам белгилаб берилган.

Ҳукм ижроси учлик раиси кўрсатмаси билан амалга оширилган.

Ҳукмни ижро этиш учун учлик йиғилиши баённомасидан кўчирма асос бўлган.

Биринчи тоифа бўйича ҳукмлар ижроси республика халқ комиссари, НКВДнинг бошқармаси, бўлими бошлиқлари кўрсатмаси билан вақти ва жойи яширин ҳолатда бажарилган.

Ҳукмнинг ижроси ҳақидаги ҳужжатлар ҳар бир ҳукм этилганнинг тергов ишига алоҳида конвертда солиб қўйилган.

2-тоифа бўйича ҳукм қилинган шахслар СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат лагерлар Бошқармаси (ГУЛАГ) хабар қилган нарядлар асосида амалга оширилган.

Операцияларнинг ўтказилишига умумий раҳбарлик қилиш СССР Ички ишлар халқ комиссари ўринбосари, давлат хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи комкор Фринковскийга топширилган.

Ушбу Операцияларга раҳбарлик қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича махсус гуруҳ ташкил қилинган бўлиб, қамоққа олинганларни тергов қилиш тартиблари ҳам буйруғда кўрсатилган:

1. Хибсга олинган ҳар бир махбусга ёки махбуслар гуруҳига тергов иши очилган. Тергов тезкорлик билан ва оддий тартибда олиб борилган. Тергов жараёнида махбуснинг барча жинойи алоқалари очиб ташланиши керак бўлган.

2. Иш кўриб чиқилгач қараб чиқиш учун учликка юборилган.

Ишга хибсга олиш учун ордер, тинтув баённомаси, тинтувда олиб қўйилган материаллар, шахсий ҳужжатлар, хибсга олинганнинг анкетаси, агентура-ҳисоб материаллари, тергов баённомаси ва қисқа айблов ҳулосаси илова қилинган.

Учликни ташкил қилиш ва унинг иши буйруғда белгилаб берилган. Буйруғ билан республикалар, ўлкалар ва вилоятлар учликлари таркиби ҳам тасдиқланган.

Ўзбекистон ССР бўйича учлик Н.А. Загвоздин (республика ички ишлар халқ комиссари), А.Икромов (Ўзбекистон компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби), Тўрабеков (халқ комиссарлар совети раисининг ўринбосари)лардан иборат тасдиқланган.

Учлик йиғилишларида республика, ўлка ва вилоят прокурори иштирок этишлари мумкин бўлган, агарда у учлик таркибига киритилмаган бўлса.

Учлик ўз ишини тегишли НКВД ва унинг бошқарма ҳамда былимлар жойлашган пунктларда олиб борган, ёки оператив секторлар жойлашган жойга бориб иш кўрган.

Учлик унга тақдим этилган ҳар бир махбус ёки махбуслар гуруҳи шунингдек сургун қилинаётган ҳар бир оила тўғрисидаги материалларни кўриб чиққан.

Хукмлар ижро этилганлиги ҳақидаги учликлар баённомалари зудлик билан СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат хавсизлиги Бош бошқармасининг 8-бўлимига юборилган. Унга 1-форма бўйича ҳисоб карточкалари илова қилинган.

1-тоифа бўйича хукм қилинганларга бир вақтнинг ўзида баённома ва ҳисоб карточкаси ҳамда тергов ишлари юборилган.

Операциянинг бориши ва натижалари тўғрисида бешкунлик маълумотлар билан ҳар ойнинг 1, 5, 10, 20 ва 25 кунлари телеграф орқали ва батафсилроқ почта орқали етказиб турилган.

Операцияни ўтказиш жараёнида янгидан очиб ташланган аксилинқилобий уюшмалар, бандитлар ва таловчилар гуруҳлари, юзага келган эксцесслар ва бошқа фавқулоддаги ходисалар ҳақида зудлик билан телеграф орқали хабар қилиш талаб қилинган.

Операцияларни ташкил этиш ва ўтказишда қатағон қилинаётганларнинг нолегал ҳолатга ўтишларига, яшаш жойидан қочиб кетишларга, айниқса четга чиқиб кетишига, бандитлар ва талончилар гуруҳлари ташкил бўлишига, қандайдир эксцесслар вужудга келишига ҳеч қандай йўл қўймаслик, бу борада тугал чоралар кўриш буйруғда кўрсатилган.

Ҳар қандай фаол аксилинқилобий ҳаракатларни юзага келтиришга бўлган уринишларни ўз вақтида аниқлаш ва унга тезкорлик билан барҳам бериш ҳам буйруғда кўрсатилган¹.

1937 йил 10 августда бошланган “Катта қирғин” сиёсати 1938 йил феврал ойидан давом этди. Ушбу феврал ойида “Учлик” қарори билан 296 нафар андижонлик маҳбус устидан ҳукм чиқарилган. Жумладан, уларнинг 265 нафари отувга, 30 нафари 10 йилга қамоқ жазосига, 1 нафари хибсга олинган вақтда вафот этган.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси, Ички ишлар халқ комиссарлиги унинг жойлардаги бошқармаларида тузилган “учлик”лар, жойлардаги суд органлари сиёсий қатағон механизмини юритганда ана шу юқоридаги РСФСР ва Иттифоқчи республикалар жиноят кодексларининг “Давлат жиноятчилари” бобидаги 58-моддаси асосида иш юритганлар, маҳбуслар устидан айблов ҳукмларини чиқарганлар.

1938 йил октябрида Тошкентда ўз ишини ташкиллаган СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр йиғилишлари ана шу жиноят кодексининг 58- моддаси асосида иш кўрганлар.

Уларнинг сони 507 нафар бўлиб, бу қатағон қилинганлар номма-ном аниқланган бўлсада, уларнинг кимлиги, қайси сохта айбловлар билан жазога тортилгани, уларга нисбатан жиноят кодексининг қайси моддалари кўйилгани, хибсга олинганда тўлдирилган маҳбус анкеталари, тергов материаллари, айблов хулосалари маҳбуслар таржимаи ҳолларини Россия Федерацияси Федерал Хавфсизлик Хизмати архивидан йўқлиги ва Россия Федерацияси Олий суди архивида, яъни 1938 йил октябрида Тошкентда бўлиб ўтган СССР Олий суди Ҳарбий Коллегияси баённомалари, маҳбусларнинг жиноий ишлари сақланаётганлиги, шунингдек мазкур масалага оид айрим ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Хизмати архивида сақланаётгани профессор Р.Т.Шамсутдинов томонидан аниқланди ва илк бор ошкор этилди. Бу ҳужжат ва материалларни синчковлик билан ўрганиш, мушоҳада қилиш, таҳлил этиш орқалигина ана шу 507 нафар юртдошларимиз ҳақидаги бор ҳақиқатни англаб етиш, совет режимининг қатағон сиёсати моҳиятини, механизмини, унинг фожiali оқибатларини хис этиш ва фoш қилиш мумкин.

¹Қаранг: Россия XX век. ГУЛАГ (Главное управление лагерей) 1918-1960. М. 2002, с. 96-104; Репрессия 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск 1. Ответ. редактор Н. Каримов. Составители: Р.Т.Шамсутдинов, Н.Ф.Каримов, Э. Ю. Юсупов. Главная редакция издательско-полиграфической акционерной компании “Шарк”. Ташкент 2005, с. 32-40.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрида Тошкентда ўтказилган йиғилишларида қатағон қилинган 507 нафар юртдошлардан фақат Андижон вилоятида туғилиб камол топган айрим раҳбар ходимларнинг қисмати ҳақида айрим маълумотларни ушбу диссертацияда келтириб ўтамиз.

Усмонхон Эшонхўжаев, 1899 йил 14 октябрда Андижон шаҳрида туғилган, ижтимоий келиб чиқиши- пахтакорнинг ўғли, отасининг 10 гектар ери, 2-3 оти, ёлланма ишчиси бўлган, 1910 йили вафот этган. усмонхон эски мусулмон мактабини, рус-тузем мактабини, олий бошланғич билим юртининг 4-синфини тугатган. 1920 йили Москвада Коммунистик университетни, 1925-1930 йилларда Москвада Қизил профессорлар институтида ўқиган, фалсафа бўлимини битирган.

1914-1917 йилларда Андижондаги яширин “Иттиҳод ва таракқий” ташкилотининг фаол аъзоси, кейинчалик “Миллий инттиҳод” ташкилотида фаолият кўрсатди. Андижондаги прогимназияда дарс берган, “Туркестанское слова” сўнгра “Туркистанский голос” газетасида ишлаган, “Маориф хаваскорлари” жамиятини ташкил этган, очларга ёрдам берувчи “Қизил ярим ой” жамиятини тузати.

Туркистон АССР Маорифи халқ комиссари, Туркистон Компартия Марказий комитети матбуот сектори мудирини, ташвиқот ва тарғибот бўлими мудирининг ўринбосари ва бўлим мудирини, “Туркистон”, “Қизил байроқ” ҳамда “Инқилоб”, “Билим ўчоғи” журналларининг муҳарририни, Усмонхон Эшонхўжаев кейинчалик Москвада, Чечен – ингушияда, Ростовда, Микоян шаҳарда, Қозон шаҳрида партия ва мафкуравий раҳбарлик лавозимларида ишлаган.

У 1937 йил 15 августда Қозон шаҳрида НКВДнинг давлат хавфсизлик комитети бошқармаси 4- бўлим томонидан ҳисбга олинади. Ҳавфсизлик комитети ходими Сагдеев иштирокида 25 январда махбус анкетаси тўлғизилган. Унда У.Эшонхўжаевнинг яшаш манзили- Қозон шаҳри Большая Галактинская кўчаси, 3- уй, 74- хона, деб кўрсатилган¹.

СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 4 октябрдаги сайёр йиғилишида Усмонхон Эшонхўжаев отувга ҳукм этилади, ҳукм ўша куни ижро этилади. Шунда у эндигина 39 ёшга тўлган эди.²

Арслонбеков Ислонбек, 1901 йили Тошкент шаҳрида камбағол деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, ижтимоий аҳволи- ишчи, 1920 йилдан партия яъзоси, партия билети № 2737523, 1371751, маълумоти қуйи, 1910-1914 йилларда 1- босқичли мактабда 4 синфни

¹ Усмонхон Эшонхўжаевнинг ҳаёти, фаолияти, қисмати ва тақдири Р.Шамсутдиновнинг “Истиклол йўлида шаҳид кетганлар” (“Шарқ”, 2001) китобида (338-375 бетлар) ақс эттирилган.

² Шамсутдинов Рустамбек. 4 октябрда отилган эди. “Андижоннома”, 2000 йил 4 октябр.

битирган, 1919 йили ҳарбий мактабда 6 ой ўқиган, 1927-1928 йиллари Тошкентда Ўрта Осиё Коммунистик университетда ўқиган, 3- курсни битирган. 1915-1918 йиллари Тошкентдаги Бурдажар исмли пиво заводи эгаси бой Буковскийда қора ишчи бўлиб ишлаган. 1918-1919 йиллари Тошкентда 1- босқичли мактабда қоровуллик қилган, 1919-1921 йиллари Қизил армияда, 1921-1923 йиллари Андижон ва Жалолободда кўнгилли милиция отряди бошлиғи бўлиб, босмачиларга қарши кураш олиб борган. 1924-1925 йиллари Шарқий Помир революцион комитетининг раиси, 1925-1927 йиллари Мирзачўлда уезд- шаҳар ижрои комитети раиси ўринбосари, 1917-1928 йиллари Тошкентда Ўрта Осиё коммунистик университетида талаба, 1928-1930 йиллари Наманганда район партия комитетининг, 1930-1932 йиллари Норин район партия комитетининг, 1932-1934 йиллари Булунгур район партия комитетининг, 1934-1936 йиллари Андижон шаҳар партия комитетининг секретари бўлиб ишлаган, ўша йилларда шаҳар советига, уезд, округ, партия комитетларига аъзо, ЎзССР Марказий Ижроия комитетига аъзо, ЎзКомпартия Марказий комитетига аъзо бўлиб сайланган.

Арслонбеков Ислонбек 1935 йили, яъни Андижон шаҳар партия комитетининг секретари бўлиб ишлаётганида ёзган таржимаи холида менинг отам ҳаммавақт қишлоқ хўжалик, боғдорчилик билан шуғулланган, ҳозирда 73 ёшда, ишламайди, менинг қарамоғимда туради, 1934 йил 1 августдан ҳозирга қадар ЎзКомпартия Марказий комитетининг қарорига мувофиқ Андижон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишламоқдаман, 1933-1934 йиллардаги партия тозоловидан ўтганман, текширилган деб ҳисобланганман. Унинг кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақасида Ислонбек Арслонбеков ҳақида ижобий тавсиялар жой олган¹.

1936 йили И.Арслонбеков Москва шаҳрига ўқишга юборилади, бироқ тез орада у ердан чакириб олиниб, партиядан ўчирилади, ишдан олинади. Партия ўчирилганидан сўнг Самарқанд райони ер бўлими бошлиғи бўлиб тайинланади. Шу жойдан 1937 йил 8 октябрда қамоққа олиниб, Тошкент турмасида келтирилади, тергов ишлари бошланади².

СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 8 октябрдаги сайёр йиғилишида Арслонбеков Ислонбек иши бўйича ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги давлат хавфсизлиги бошқармаси тақдим этган айблов хулосаси билан келишишга ва уни СССР Олий Суди Ҳарбий коллегиясида кўриб чиқишга қарор қилади. И.Арслонбеков ЎзССР Жиноят Кодексининг 63-64 ва 67-моддалари бўйича судга берилади. Иш суд йиғилишида

¹ “Мерос” илмий- амалий экспедиция халқаро хайрия жамғармаси материаларидан

² Шамсутдинов Рустамбек. Истиклол йўлида шаҳид кетганлар. Тошкент, “Шарқ”, 2001. 375-381 бетлар. Унинг ҳаёти ва фаолияти мазкур китобда батафсил ёритилган.

айбловчи, адвокат ва гувоҳлар чакирилмасдан 1934 йил 1 декабрдаги қонунга мувофиқ кўриб чиқилади. И.Арслонбеков охири нафаси қолгунча унга қўйилган айбларга иқдор бўлмайди. Суд И.Арслонбековни олий жазога ҳукм этади, ҳукм ўша куни ижро этилади. Эндигина 36 баҳорни қаршилаган яна бир фидойи ўзбек фарзанди совет тузуми қурбони бўлади¹.

Охунбеков Машураб (Машраб бўлса керак – Р.Ш.), 1904 йили Жалолқудуқ райони Эски қапа қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, ижтимоий аҳволи –хизматчи, маълумоти куйи, саводини ўзи чиқарган, 1929 йил 25 мартдан партия аъзоси, партия билети номери 1370585, 1934 йили Жалолқудуқ районида партия тозоловидан ўтган.

У 1926 йил 12 мартдан 1927 йил 8 майга қадар Эски қапа қишлоқ совети раиси, 8 майдан 1928 йил 12 январгача Кредит ширкат идораси раиси ўринбосари, 1927-1928 йилларда Жалолқудуқ райони Манак қишлоқ совети тракторлар контораси мудирини, 1929-1930 йилларда Жалолқудуқ пахтачилик ширкати идораси раиси ўринбосари, - 1930-1931 йилларда Кўтарма пахта заводи мудирини, 1931-1932 йилларда Жалолқудуқ район колхозлар союзига инструктор бўлиб ишлаган.

Машраб Охунбеков 1932 йил 20 февралдан 1933 йил 1 январга қадар Қапа қишлоқ совети раиси ўринбосари, 1933 йил 25 августидан 1934 йил 1 августигача Жалолқудуқ район Булоқбоши қишлоқ совети раиси ўринбосари, 1934 йил 1 августидан 1935 йил 15 майгача Жалолқудуқ райони Сўфиқишлоқ матлубот жамияти раиси, 1935-1936 йилларда Сўфиқишлоқ пахта заводи мудирини, ер-сув бўлими мудирини лавозимларида ишлаб келган. Оиласида 3 киши бўлган, яшаш манзили- Жалолқудуқ райони Қапа қишлоқ совети Қораянтоқ қишлоғи. Шахсий варақа 1936 йил 16 майда тўлғизилган².

СССР Олий суди харбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 8 октябрдаги йиғилишида Охунбеков Машраб отувга ҳукм этилган, жазо ўша куни ижро этилган¹. Партия XX съезидан снг реабилитация қилинган.

Ўлмасбоев Нуриддин Низомиддинович, 1900 йили Қўқон шаҳрида хизматчи ишбоши, маклер оиласида туғилган, ўзбек, партияга 1919 йили (1367356) кирган, унча Қўқондаги ўқитувчилар семинариясида 2 синф битирган, 1918-1920 йилларда Тошкентда партия мактабида ўқиб, партия ходими мутахассислигига эга бўлган.

¹ Исломбек Арслонбековнинг ҳаёти, фаолияти, қисмати ва тақдири Р.Шамсутдиновнинг “Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар” (“Шарқ”, 2001) китобида (375-381 бетлар) ақс этирилган.

² “Мерос” илмий- амалий экспедиция ҳалқаро хайрия жамғармаси материаларидан

¹ “Мерос” илмий- амалий экспедиция ҳалқаро хайрия жамғармаси материаларидан

1937 йили тўлгизган таржимаи холида мана булар ёзилган: 1900 йили Қўқон шаҳрида корхонада ёллониб ишловчи хизматчи оиласида туғилганман. Отам пахта заводи эгаси бўлган Умар Эшон Зокирбоевда ишлаган, заводчи Зокирбоевга пахта топширувчиларнинг қарзларини ундириб бериш билан машғул бўлган.

Инқилобдан сўнг Зокирбоевдан завод тортиб олингач отам пахта сотиб олувчи Преображенский билан алоқа қилиб, пахта сотувчи билан пахта сотиб олувчилар ўртасида маклерлик қилади. Отам 1920 йили вафот этади.

Инқилобгача мен ҳамма вақт ўқишда бўлдим, аввалида эски мактабда, сўнгра “янгиланган” татар мактабларида таҳсил олдим.

1917 йили отамнинг ташаббуси билан Қўқондаги ўқитувчилар семинариясига қабул қилиндим, шу жойда комсомолга қабул қилиндим, кейинчалик партиёга кирдим. Семинариянинг ўқитувчилари Абдулла Мустакаев, Ходи Файзи коммунист бўлганлар ва ўқитувчилар орасида маълум тарғибот ишлари олиб борганлар. Ана шу ўқитувчилар таъсири остида мен Қўқоннинг эски шаҳрида ёшлар уюшмасини ташкил этишда қатнаша бошладим.

Партиёга ҳам семинарияда ўқиётган чоғимда қабул қилинганман².

Тошкентда партиё матбуотини битиргач Қўқон комсомол ташкилотида ишлаган, уезд, сўнгра вилоят комсомол ташкилотида 3 йил фаолият кўрсатган. Область комсомол комитети котиби бўлиб ишлайди. 1923 йилдан партиё- совет ишига ўтади.

1923 йил сентябридан 1924 йил сентябригача Қўқон уезд ижроия комитети раиси ўринбосари, Фарғона область партиё комитети қарори билан Андижон уезд –шаҳар партиё комитети котиби қилиб юборилган.

1925 йил декабридан Ўзбекистон Компартияси МК йўриқчиси, 1926 йил декабридан эса Марказий Комитетнинг ташкилий бўлим мудири ўринбосари бўлиб хизмат қилади.

1928 йил февралда Марказий Комитет қарори бўйича Н.Ўлмасбоев Ўзбекистон Компартияси Фарғона округ партиё комитети котиби қилиб тайинланди, декабридан маориф халқ комиссарлиги сиёсий- маърифий бўлими мудири, халқ маориф комиссари коллегияси аъзо бўлиб хизмат қилади.

1933 йил сентябридан Н.Ўлмасбоев Москва химия- технология институтида ўқийди, 3 курсдан 4 курсга ўтганда ВКП(б) МК қарори билан Боғдод райони Машина трактор станцияси сиёсий бўлим бошлиғи қилиб тайинланади.

² “Ўша архив, ўша варақлар

1931 йилдан ЎзССР ер –сув ишлари халқ комиссари мева-сабзавотчилик бошқармаси бошлиғи, 1936 йил мартдан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида йўриқчиси, кейин қишлоқ хўжалиги учун колхоз раҳбар ходимларни тайёрлаш бўйича сектор мудирининг вазифасида хизмат қилади¹.

1938 йил 4 октябрда бўлган СССР Олий суди харбий коллегиясининг сайёр сессия йиғилишида Н.Ўлмасбоев отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куннинг ўзида ижро этилган.

Нуритдин Ўлмасбоев реабилитация қилинган, партиявий иш стажи тикланган¹.

Алимухаммедов Мусажон, 1899 йили Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган, ўзбек, 1914 йилги урушгача ўқиган, ўзбек, қирғиз, рус тилларини билган, 1913-1914 йиллари Тошкент шаҳридаги ун заводида Шерахмадбой кўлида, 1914-1918 йиллари Юсуп Довудовнинг Пиво ишлаб чиқариш заводида қора ишчи бўлиб меҳнат қилган. 1918-1920 йиллари Туркистон frontiда, Қизил армияда ўқитувчилик қилган, Тошкент Эски шаҳар партия комитетида 1918 йил 1 январда партия сафига қабул қилинган, 1920-1922 йилларида Тошкент Эски шаҳар партия комитети ташкилий бўлим мудирининг, 1922-1923 йилларида Тошкент Эски шаҳар район ижроия комитети раиси, 1923-1924 йилларида Бухоро область партия комитети ташкилий бўлим мудирининг бўлиб хизмат қилган.

1924-1925 йилларида Тошкент шаҳрида Сирдарё область партия комитети ташкилий бўлим мудирининг, 1926-1927 йиллари Бухорода қишлоқ хўжалик кооперация бошқарувчи раиси лавозимида ишлаган.

Бир йил Москвада Коммунистик университетда ўқиган, соғлиғи туфайли ўқишдан қайтиб келган. 1928-1930 йилларида Қирғизистон Ўш округи партия комитетида оммавий-тарғибот бўлимига мудирлик қилган, 1930-1932 йиллари Бозорқўрғон район ижроия комитети раиси бўлиб хизмат қилган. 1932 йилдан Тошкентда ЎзССР Ишчи-деҳқон халқ комиссарлигида саноат гуруҳининг раҳбари бўлиб, сўнгра Олтиариқ район ижроия комитети раиси бўлиб ишлаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси 1934 йил 16 апрелда Мусажон Алимухаммедовга Мархамат район ижроия комитетига ва қишлоқ советларига ходимлар танлашда синфий хушёрликка етарли эътибор бермагани учун хайфсан берилган.

Унинг партия билети 359176- рақамли бўлган. 1929 йили Фрунзе шаҳрида (ҳозирги Бишкек) Қирғизистон меҳнат ва социал таъминот халқ комиссари ўринбосари бўлиб

¹ “Мерос” илмий- амалий экспедиция халқаро хайрия жамғармаси материаларидан

¹ “Мерос” илмий- амалий экспедиция халқаро хайрия жамғармаси материаларидан

ишлаган, ундан сўнг Ўш округ ижроия комитети маъсул котиби бўлиб хизмат қилган. Андижон округи Мархамат район ижроия комитети раиси бўлиб фаолият кўрсатган¹.

1938 йил 4 октябрда Тошкентга келган СССР Олий суди Харбий коллегиясининг қарори билан Мусажон Алимаммедов отувга ҳукм қилинган, ҳукм ижроси ўша куннинг ўзида ижро этилган²

2.2. Қатағон қилинганларнинг ҳудудий, ижтимоий, миллий таркиби.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов истиқлолнинг дастлабки кунларидаёқ, бундан йигирма йил муқаддам собиқ советлар даврида Ўзбекистонда ҳам сира айби бўлмаган, ҳалол одамлар кўплаб қамоққа олинган ва қириб ташланганини ачиниш билан айтиб фақат 1937-1939 йиллари 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалгани, шундан 37 мингдан кўпроғи судлангани, 6 минг 920 киши отиб ташланганини қайд қилган

¹ “Мерос” илмий- амалий экспедиция ҳалқаро хайрия жамғармаси материаларидан

² Ўша архив материалларидан

эди.¹ Орадан саккиз йил ўтиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси раиси Ислон Каримов 1999 йил 22 июнда “*Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидоийлар хотирасини абадийлаштириши тўғрисида*”ги қарорни имзолади. Қарорда ана шу қатағон қилинганлар номларини абадийлаштириш, улар ҳақидаги бор ҳақиқатни ҳозирги ва келажак авлодлар учун сақлаб қолиш мақсадида кўп жилдли “*Қатағон қурбонлари*” хотира китобини тайёрлаш, нашр этиш ва бу ишга ёрдам кўрсатиш вазифаси кўйилди. 2005-2009 йилларда 5 жилдлиқ “Қатағон қурбонлари” хотира китоби² чоп этилди. Биринчи китобда 1937-1938 йилларда Ўзбекистонда, Украинада, Шимолий Кавказда, Москвада қатағон қилинган 408 нафар юртдошлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Иккинчи китобдан отувга ҳукм этилган 664 нафар, 10 йил, 8 йил қамок жазосига ҳукм қилинган 236 нафар қатағон қурбонлари номлари ва улар ҳақидаги маълумотлар жой олган. Учинчи китобда 272 махбус отувга, 1156 махбус 10 йил, 115 махбус 8 йил қамок жазосига ҳукм қилинганлар, жами 1543 қатағон қурбонлари номма-ном келтирилган, улар ҳақида маълумотлар берилган. Тўртинчи китобда отувга 392 махбус, 2572 махбус 10 йил муддатга, 646 махбус 8 йил муддатга, яъни бу китобда жами 3610 қатағон қурбонлари номма-ном келтирилган. Улар ҳақида маълумотлар келтирилган, бундан ташқари тергов жараёнида 34 махбус вафот қилгани қайд этилган. Бишинчи китобда Ўзбекистоннинг ўзида отиб юборилган 2 минг 190 киши, 10-8-5 йил қамок жазосига ҳукм этилган 751 нафар ватандошлар номма-ном келтирилган, улар ҳақида маълумотлар берилган. Демак ушбу беш жилдлиқ китобда ҳаммаси бўлиб 1937-1938 йилларда 14589 қатағон қурбонлари номма-ном келтирилган, улар ҳақида маълумотлар берилган.

Айни 1937-1938 йилларда Ўзбекистонда қатағон қилинганлардан борйўғи 15 минг кишигина аниқланган. Қолганлари аниқ эмас эди. Шу боис биз 2011 йил 11-21 сентябрь кунлари, ноябрь-декабрь ойида Москвага илмий сафар уюштирган эдик. Ушбу вазифани ҳал этиш илинжида Москва шаҳри Малый Каретный тор кўчаси 12-уйда жойлашган “Мемориал” халқаро тарихий, марикий хайрия ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш жамиятида

¹ Ўзбекистон овози. 1991 йил, 15 сентябрь

² Шамсутдинов Р.Т., Каримов Н.Ф., Юсупов Э.Ю. Репрессия: 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск-1. – Т.: Шарқ, 2005. – 262 с; Рустам Шамсутдинов. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август - 5 ноябрь). 2-китоб. – Т.: Шарқ, 2007. – 496 б; Р.Т.Шамсутдинов, Э.Ю.Юсупов, А.Мамажонов, Э.Дўсматов. “Репрессия” 1937-1938 гг. Документы и материалы. В.3. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. – Т.: Шарқ, 2007; . Репрессия: Документы и материалы. Сост.: Р.Т. Шамсутдинов, М.Абдуллаев, Э.П.Дусматов, Х.Р.Курбанов. – Т.: Шарқ, 2008. Вып.4, Жертвы Большого террора из Узбекистана 1937 год, декабрь. - 572 с; Қатағон қурбонлари.(1938 йил февраль, сентябрь) Бешинчи китоб Тузувчилар: Р.Т.Шамсутдинов, Х.Р.Курбанов, Ж.Расулов, Ф.Эгамбердиев, У.Бекимбетов. “SHarq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент – 2009. 412 б.

бўлди. Унинг раиси Арсений Борисович Рогинский, ўринбосари Ян Збигневич Рочинский, “Мемориал” архиви мудираси Алёна Козловалар билан учрашди. Мавжуд манба ва маълумотлар билан танишдик. Бу жамият архивидан 1938 йил октябрда Тошкентда қатағон қилинган 496 нафар ўзбекистонликлар ҳақида маълумот олдик. Унда Ўзбекистон ССРда отувга ҳукм этилганларнинг исми ва фамилиялари, ҳукм чиқарилган сана, отилган кун кўрсатилган жадвални қўлга киритдик. Айни 1937-1938 йилларда Тошкентдаги Ўрта Осиё лагеридаги махбуслардан 365 нафари учлик қарори билан отувга ҳукм қилингани тўғрисидаги маълумотга ҳам эга бўлдик.

Шундан сўнг Россия Федерацияси Федерал Хавфсизлик Хизмати Марказий архивида бўлди. Бу ерда СССР Олий Суди Харбий Коллегиясининг сайъёр сессияси раиси генерал Алексеевнинг 1938 йил 4 октябрдан 2 ноябргача Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Халқ комиссари, давлат хавфсизлиги майори Дереник Захарович Апресян ёзган хатларини, отилганлар ҳақидаги далолатномаларни кўрдик, улардан кўчирмалар олдик.

Биз анашу ҳужжатлар асосида фикр юритамиз. 1938 йил октябрида Москвадан Тошкентга СССР Олий Суди Харбий Коллегиясининг сайъёр сессияси ўтказишади. Унинг таркиби харбий адлия ходимларидан генерал Алексеев ва Зайцев, полковник Болдерев ва Батнер, қизил армия Бош Харбий прокурори ёрдамчиси Шульцанлардан иборат эди. Сессиянинг биринчи куни 4 октябрда бўлиб ўтади, 52 нафар махбус олий жазо – отувга ҳукм этилади.

Сессия раиси Алексеев шу куниёқ ЎзССР Ички ишлар Халқ Комиссари, давлат хавфсизлиги майори Дереник Захарович Апресянга 00600 сонли мутлақо махфий хат йўллайди. Унда 1938 йил 4 октябрда олий жиноий жазо – отувга чиқарилган ҳукмни зудлик билан ижро этишни амалга ошириш тўғрисида фармойиш бериш талаб этилган, хатнинг остида отилиши керак бўлган 52 нафар махбуснинг исми ва шарифи келтирилган. Бу кўрсатма ўша 4 октябрдаёқ бажарилган. Шу куни тузилган далолатномада шундай дейилган: “Биз 1938 йил 4 октябрь куни қуйидаги имзо чекувчилар мавжуд далолатномани шу ҳақда туздикки, шу куни давлат хавфсизлиги катта лейтенанти ўрт. Шишкин, Ишчи-деҳқон қизил армияси Бош харбий прокурори ёрдамчиси, I-рангдаги харбий юрист ўрт. Шульцанн иштирокида отувга ҳукм қилинган қуйида санаб ўтилган эллик икки (52) киши устидан ҳукм ижросини таъминладик.

Давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Шишкин.¹

¹ У ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги комендант вазифасида бўлган.

Ишчи – деҳқон қизил армияси Бош харбий прокурори ёрдамчиси, I-рангдаги Харбий юрист Шульцанн.”²

Қатл этилган бу юртдошларданбаъзиларини келтириб ўтамыз.

Ўзкомпартия Марказий Комитети ва ЎзССР ҳукумати аъзоларидан, Содикжон Болтабоев, Карим Болтаев, Акбар Исломович Исломов, Рустам Исломович Исломов, Усмонхон Эшонхўжаев, Саъдулла Турсунхўжаев, Нуриддин Ўлмасбоев, Назир Шоабдурасулов, Шомансур Алихўжаев, Файзи Ходи Зарифович, Ризаев Ханиф Султонович, Сорокин Қосим Ибрагимовичлар ўша куни қатл қилинганлар.

5 октябрда қатл этилганлар орасида республикадаги давлат, ҳукумат, жамоат арбобларидан Бўтабой Дадабоев, Рахим Иноғомов, Отажон Хошимов, Исроил Ортиқов, машҳур спортчи, велоспрот устаси Хидоят Иноятов, ёзувчи, шоирлардан Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Миёнбузрук Солихов, Ғози Юнусов, Абдулхамид Сулаймонов (Чўлпон), Зиё Саидов, Худойбахтиев Анқабой, Қаюм Рамазоновлар бўлган.

7 октябрда 39 киши отилган, уларнинг барчаси Ўзбекистонда яшаб хизмат қилаётган Европали миллат вакиллари эди.

8 октябрда қатл этилган 40 махбуслар орасида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Кенгаши раис ўринбосари Жўрабек Тўрабеков, партия раҳбар ходими Ислонбек Арслонбеков, фелетончи, ёзувчи Комилжон Алимов, ёзувчи Санжар Сиддиқовлар бўлган.

Берлин Олий техник мактабини битирган Хайринисо Мажидхонова (Мажидий), Жаббор Саттор, Мўмин Тўлаган, Муҳаммад Солих, Матқул Султон Алибековичлар 9 октябрда отилган 42 махбуслар қаторида эдилар.

10 октябрь куни 33 нафар махбус отилган. Улар орасида харбий арбоб, ўзбек дивизияси кўмондони Миркомил Миршаропов ҳам бор эди.

11 октябрда европали миллат вакилларидан 28 махбус отилган. Улар орасида республика ва вилоятларда раҳбарлик лавозимларида хизмат қилган Немцович Александр Казимирович, Труш Леонтей Ефимович, Окунев Григорий Ефимович, Солдатов Семёнов Ильичлар бўлган.

13 октябрда 42 махбус отилган. Уларнинг аксарияти деярли Хоразм ва Қорақалпоғистондан бўлган. 14 октябрда 36 махбус отилган. Уларнинг аксарияти ҳуқуқни химоя қилиш раҳбар органлари ходимлари бўлган. Масалан Наманган шаҳар прокурори Абдувоси Юсупов ҳам ўша куни қатл этилган. У асли Андижонлик эди. Унинг ўғли

² “Мерос” илмий- амалий экспедиция ҳалқаро хайрия жамғармаси архив материаларидан

Рустам хожи ҳозирда Андижонда яшамоқда. Отаси ҳибсга олинган пайтда у бир ёшдаги гўдак бола эди.

15 октябрда 25 нафар махбус отилган. Улар қаторида Чўлиев Холиқул, Матниёзов Жуманиёз, Сайидназаров Санақул, Раҳмат Раҳимбоевлар бор эди.

Сиёсий қатағон моҳияти, унинг кўлами, фожеасини англамоқ учун СССР ва Иттифоқчи республикалари Жиноят кодексининг 1-бобидаги (“Преступления государственные”) “давлат жиноятлари” деб номланган 58-моддасининг кунт билан ўрганиш, англаш керак. Шунда қатағон ҳақидаги афсонавий ёлғонлар ҳам, чин ҳақиқатлар ҳам юзага чиқади.

Ўша 58-модданинг 1-параграфи “Аксинкилобий жиноятлар” (Контрреволюционные преступления) деб номланган.

Унинг 58-1-моддасида ишчи-деҳқон советлари сайлаган ҳукуматни ағдариш ва кўпоришга ёки заифлаштиришга қаратилган, Совет Иттифоқи Конституцияси ва иттифоқчи республикалар конституциялари асосида сайланган Совет Иттифоқи, иттифоқчи ва мухтор республикалар ҳукуматларини, СССРнинг ҳамда пролетар революциясининг хўжалик, сиёсий ва миллий соҳаларда эришган ютуқларини кўпориш ёки заифлаштиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар аксинкилобий ҳаракат ҳисобланади деб кўрсатилган.

“Аксинкилобий жиноят” тушинчасида пролетар инқилобининг асосий хўжалик, сиёсий ва миллий, яъни мавжуд тузум, шунингдек СССРдаги ҳукумат органлари ғалабаларига, хуллас мавжуд тузумга қарши жиноят “аксинкилобий” деб ҳисобланган. Унинг аналоғи ҳозирда Россия Федерацияси Жиноят Кодексининг 10-бўлимида “Давлат ҳокимиятига қарши жиноят” деб ҳисобланади ва ЖКнинг 29-бобига “Конституцион тузумга ва давлат хавфсизлигига қарши жиноятлар” тарзида киритилган.

Ички ишлар ва давлат хавфсизлик органлари ходимларидан Наумонов, Макаревичлар Андижонда 1937 йил 10 август 1938 1 январгача бўлган вақт оралиғида жами 1291 нафар махбус утидан ҳукм чиқарди. “Учлик” ушбу вақтда давомида Андижонда 15 кун фаолият олиб бориб, 17 йиғилишини ўтказди.¹

Ўзбекистонда 1937 йил 10 август 1938 1 январгача бўлган вақт оралиғида жами 10700 махбуснинг қарийб 12 фоизи андижонликларга тўғри келмоқда. Яъни андижонлик

¹ Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август-5ноябрь). Иккинчи китоб. –Т.: Шарқ, 2007. “Репрессия” 1937-1938гг. Документы и материалы. Выпуск 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э., Мамажонов А, Дўсматов Э. –Т.: Шарқ, 2007. “Репрессия” 1937-1938гг. Документы и материалы. Выпуск 4. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Абдуллаев М., Дўсматов Э.П., Курбанов Х.Р. –Т.: Шарқ, 2008.

1291 махбус 709 киши 1-категория бўйича отувга, 582 киши 2-категория бўйича 8-10 йил муддат билан қамоқ жазосига, меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган.

1-категория бўйича отувга ҳукм қилинганларнинг 411 нафари собиқ кулоқлар, 187 нафари жиноятчилар ва 285 нафари бошқа аксилинқилобий унсурлар бўлган. 2-категория бўйича ҳукм қилинганларнинг 216 нафари собиқ кулоқлар, 97 нафари жиноятчилар, 178 нафари бошқа аксилинқилобий унсурлар бўлган.

Андижонликларнинг миллий таркибида ўзбеклар 1178 киши, руслар 18 киши, татарлар 4 киши, қозоқлар 8 киши, турклар 7 киши, немислар 1 киши, украинлар 9 киши, тожиклар 16 киши, поляклар 12 киши, уйғурлар 19 киши, хитойлар 2 киши ва бошқа миллат вакиллари бўлган.

Унинг ижтимоий таркиби қуйидагича бўлган: кулоқлар 627 киши, колхозчилар 589 киши, диний хизматчилар (имом, эшон, домла ва бошқалар) 127 киши, савдогарлар 112 киши, жиноятчилар 237 киши, бойлар 38 киши, хизматчилар 114 киши, ижтимоий аҳволи аниқланмаганлар 82 киши, улар орасида хунармандлар, аравакашлар, қоровуллар, сартарошлар, сотувчилар, ўт ўчирувчилар, нафақахўрлар, ногиронлар, хазиначилар, кассоблар, даллоллар ва бошқалар бўлган.

Партиявий жиҳатдан эса улардан 7 нафари собиқ «Шўрои ислом»чи, 19 нафари собиқ «Миллий иттиҳод»чи, 15 нафари собиқ ВКП(б) аъзоси, 8 нафари собиқ эсерлар, 1 нафари «Иттиҳодий ва тараққий»чи,

Андижонлик қатағон қурбонлари 258 нафари аввалда «босмачилик» ҳаракатида, 285 нафари колхоз тузумига, кулоқ қилишга қарши кўзғолонда иштирок этганлар. Ана шундай ҳолатни 1938 йилда қатағон қилинганлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.¹

Худудий жиҳатдан Андижонда қатағон сиёсатидан кўпроқ Андижон шаҳар, Андижон тумани Балиқчи, Избоскан, Жалалқудук, Қўрғонтепа туманларида кенг кўламда амалга оширилди.

1938 йил 31 январдан ВКП (б) Марказий Комитети СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1937 йил 30 июлдаги № 00447 сонли буйруғи бўйича репрессия қилиш учун кўшимча лимитни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Областлар, ўлкалар, Миллий Компартиялар Марказий Комитетларига йўлланган бу қарорда СССР ИИХК

¹ **Қатағон қурбонлари.** (1937 йил 10 август-5ноябрь). Иккинчи китоб. –Т.: Шарқ, 2007. “Репрессия” 1937-1938гг. Документы и материалы. Выпуск 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э., Мамажонов А, Дўсматов Э. –Т.: Шарқ, 2007. “Репрессия” 1937-1938гг. Документы и материалы. Выпуск 4. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Абдуллаев М., Дўсматов Э.П., Курбанов Х.Р. –Т.: Шарқ, 2008.

(НКВД) нинг репрессия қилишга лойиқ бўлган собиқ кулоқлар, жинойтчилар ва фаол антисовет элементларни 22 та ўлка област ва республикалар бўйича репрессия қилинадиганларнинг кўшимча миқдорини қабул қилганлиги кўрсатилган. Унга кўра Иттифокнинг 22 минтақаси бўйича биринчи категория бўйича 47 минг киши отувга, 8 минг киши 8-10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилиниши керак эди. Ўзбекистон ССРдан эса биринчи категория бўйича 2 минг, 2-категория бўйича 500 киши, Туркменистон ССРдан биринчи категория бўйича 1 минг киши, Қирғизистондан биринчи категория бўйича 500 киши, Тожикистондан биринчи категория бўйича бир минг, иккинчи категория бўйича 500 киши қатағон қилиниши керак эди.

Республикаларда репрессия операциясини 1938 йил 15 мартдан кечикмасдан тугаллаш СССР Ички ишлар халқ комиссарлигига юклатилади. Собиқ кулоқлар, жинойтчилар ва антисовет элементларнинг ишларини кўриб чиқиш учун аввалги учликларнинг фаолияти узайтириладиган бўлди. Бу учликлар ишини 1938 йил 15 февралгача яқунлаш вазифа қилиб қўйилди.³

Ўзбекистонда бажариш жуда ҳам тезкорлик билан амалга оширилди. Республика округларида Ички ишлар органлари, ГПУчилар қандай қилиб бўлмасин репрессия қилиш лимитини ўз вақтида, иложи бўлса ортиғи билан бажарилишига астойдил киришганлар. Жойларда одамлар қамоққа олина бошланган.

1938 йилги қатағондан бевосита андижонликлар ҳам четда қолмади. 1938 йилги “Катта қирғин” жами 296 нафар андижонлик қамоққа олинган. Улардан 1291 махбус 265 киши 1-категория бўйича отувга, 30 киши 2-категория бўйича 8-10 йил муддат билан қамоқ жазосига, меҳнат тузатув лагерига ҳукмига, 1 киши озод қилинган.

“Катта қирғин” операциясини ўтказишда кўплаб ноқонуний тадбирлар амалга оширилди, инсон ҳақ-ҳуқуқлари мислсиз топталди, беғуноҳ юртдошларимизга ёлғон тўқима, сохта айблар қўйилди, хлма-хил чақувлар, тўхматлар ишга солинди, тергов чоғида махбуслар беҳад қийновга, ҳам жисмоний ҳам руҳий азобга солинди. “Учлик”нинг ҳукми билан минглаб юртдошларимиз отувга ҳукм этилди, ҳукмлар эса жойларда тезкорлик билан ижро этилди, ҳар бир округда қатлгоҳлар, номаълум қабристонлар пайдо бўлди. 8-10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм ҳукм қилинган қатағон қурбонлари узок юртларга – Шимолга, Узок Шарққа, Сибирга, Уралга, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистонга сургун қилинди. Уларнинг катта қисми ўша бегона юртларда қамоқ азобларига бардош бера олмай халок бўлдилар, жуда ҳам оз қисми кейинчалик озод бўлиб, юртга қатдилар.

“Катта қирғин” қурбонлари Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг реабилитация қилинди, номлари абадийлаштирилди.

Хуллас, совет режими томонидан 1937 йил июлидан бошланган “Қулоқлар операцияси” 1938 йилнинг ноябригача давом этди. Бу мудҳиш қатағон бутун собиқ Иттифоқ халқлари тарихига энг фожеали саҳифа бўлиб кирди. Улар бу фожеани ҳеч қачон, асло ўз қалблари ва хотираларидан чиқармайдилар. Бу фожеа тарихимизнинг энг оғир, қайғули, аламли, ҳасратли, мотамли саҳифасидир.

1937-38 йиллар даври "Катта қирғин" даврининг кульминацион нуқтасидир. Биз бу "Катта қирғин" кимлар томонидан "ижод қилингани" ва бу мудҳиш фожеанинг илдизлари чуқур эканлигининг ва уни аниқлаш йўлида турли қарашлар, талқинлар борлигининг шоҳиди бўлдик.

Юқоридаги фикрлардан шу нарса аён бўладики, сиёсий қатағон ва унинг бир қисми "Катта қирғин" нинг юзага келишида муайян объектив сабаблар ҳам бўлган. Партия ва совет ҳокимиятига, айниқса уларнинг раҳбариятига қарши қаратилган муҳолифат кучлар кураш олиб бориб, сиёсий ҳокимиятни ўз қўлларига олиш учун бор имкониятларини ишга солиб, барча воситаларни қўллаб, тиш тиронқлари билан жанг олиб бордилар. Бундан ташқари, мамлакатнинг турли минтақаларидаги, ҳатто пойтахт Москва ва бошқа йирик шаҳарларда узоқ вақтдан бери раҳбарлик лавозимларини эгаллаб келаётган партия функционерлари мавқеларини, раҳбарлик лавозимларини қўлда сақлаб қолиш мақсадида "аксилинқилобчилар", "советларга қарши кучлар", "собиқ қулоқлар", "жиноятчилар". "советларга қарши кучлар", "собиқ қулоқлар", "жиноятчилар", советларга сайлов ўтказиш жараёнига қаршилик кўрсатаётганликларини рўқач қилиб, рақибларига нисбатан кескин репрессив чоралар кўришни Марказдан, Сиёсий бюродан, Сталиндан сўраб мурожаат қилдилар. Аслида улар 1936 йилги СССР Конституциясида белгилаб берилган янги сайлов тизимига қарши ўт очган эдилар. Чунки янги сайлов тизимида реал ҳокимиятни партиядан халқ қўлига олиб бериш, кенг халқ демократиясини жорий қилиш, давлатчиликни мустаҳкамлаш вазифалари илгари сурилган эди. Янги сайлов тизими асосида сайлов ўтказиш туфайли ана шу маҳаллий партия раҳбарлари реал амал-вазифаларидан маҳрум бўлишлари кутилди. Шу боис партия функционерлари барча "советларга қарши кучлар" – собиқ қулоқлар ва жиноятчиларни қамсоққа олиш, отувга ҳукм этиш таклифлари билан Марказга мурожаат қилдилар. Хуллас, 1937-1938 йиллардаги "Катта қирғин" нинг юзага келишида маҳаллий партия функционерларининг ўрни ва роли ҳам оз бўлмаган.

Ежовнинг 1937 йил 30 июлдаги 00447-сонли мутлақо махфий тамға остидаги "Собик кулоқлар, жиноятчилар ва бошқа антисовет элементларни" ни қатағон қилиш бўйича операция ўтказиш тўғрисидаги оператив буйруғи Ўзбекистонда ҳам тезкорлик ва "илғорлик" билан бажарилди. Бу амалиётни бажаришда республика, округ, район партия ташкилотлари, советларнинг ижроия комитетлари, Ички ишлар халқ халқ комиссарлиги ва унинг жойлардаги сектор ва бўлимлари ходимлари жонбозлик кўрсатдилар. Бу операцияни ўтказишда кўплаб ноқонуний тадбирлар амалга оширилди, инсон ҳақ-ҳуқуқлари мислсиз топталди, бегуноҳ юртдошларимизга тўқима, сохта айблар қўйилди, хилма-хил чақувлар, тухматлар ишга солинди, тергов чоғида махбуслар беҳад қийновга, ҳам жисмоний, ҳам руҳий азобга солинди. "Учлик" нинг ҳукми билан минглаб одамларимиз отувга ҳукм этилди, ҳукмлар жойларда тезкорлик билан ижро этилди, ҳар бир округда қатлгоҳлар, номаълум қабристонлар пайдо бўлди. 8-10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган қатағон қурбонлари узоқ-узоқ юртларга—Шимолга, Узоқ Шарққа, Сибирга, Уралга, Шимолий Қозоғистонга сургун қилиндилар. Уларнинг катта қисми ўша бегона юртларда қамоқ азобларига бардош бераолмай ҳалок бўлдилар, жуда ҳам оз қисми кейинчалик озод бўлиб юртга қайтдилар.

Ана шу чеку-чегараси йўқ "Қатта қирғин" наманганлик юртдошларимизнинг ҳам бошига мусибатлар, оғир кулфатлар келтирди.

Айбсиз айбдорга айланиб, уй-жойи, аҳли аёли, фарзандларидан нарида, олис ўлкаларда кечган оғир турмуш, аламли тақдирларни эсласак, кўнглимиздан ўтқарсак аждодларимизнинг эрк, истиқлол, юрт, ота-она ва фарзандлари учун жон кечиб, мардона меҳнат қилиб, уларнинг тинчлиги ва фаровонлиги учун шаҳид кетган, юқорида номлари тилга олинган наманганликларнинг қалбида ҳам ҳасратли, ўтли хотиралар борлигига гувоҳ бўлдик. Биз ана шу давр тарихини нафақат архив ҳужжатлари, балки эсдаликлар, хотиралар сасода ҳам талқин қилганлигимиз, диссертациянинг мазмуни, амалий аҳамиятига ҳам ижобий таъсир қилди.

Хуллас, совет режими томонидан 1937 йил июлидан бошланган "Қулоқлар операцияси" 1938 йилнинг ноябригача давом этди. Бу мудҳиш қатағон бутун собик Иттифоқ халқлари тарихига энг фожеали саҳифа бўлиб кирди. Улар бу фожеани ҳеч қачон, асло ўз қалблари ва хотираларидан чиқармайдилар. Бу фожеа тарихимизнинг энг оғир, қайғули, аламли, ҳасратли, мотамли саҳифасидир.

Дарҳақиқат, мустабид тузум давридаги "қатағон сиёсати" халқни-халқ, миллатни-миллат, инсонни - инсонлигидан айирди. Қатағон давлатнинг, тузумнинг оммавий

жазолаш, қийноққа солиш, бегуноҳ халқни асоратда, тутқунликда ушлаб туриш, кўрқитиш, босим, тазйик ўтказиш қуролига айланди. Бу қатағон барча халқлар қаторида Ўзбекистон халқи бошига жумладан андижонликларга ҳам мислсиз оғир кулфатлар ёғдирди.

Учлик республика ички ишлар халқ комиссарлиги 1937 йил 21 ноябрда ўтказдан йиғилиш баённомаларида Андижон сектори тақдим қилган ишлар бўйича 45 кишини биринчи категория бўйича отувга, 35 кишини иккинчи категория бўйича 10 йилга меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилган. Қамоқ жазосига ҳукм этилганлар қамоқ жазосини ўташ учун Совет Иттифоқнинг ГУЛАГ тизимидаги турли меҳнат тузатув лагерларига сургун қилинган. Улардан айримларигина қамоқ жазосини ўтаб юртга қайтганлар, кўпчилиги эса ўша бегона юртлардаги лагер қамоқхоналарида ҳалок бўлганлар. Отувга ҳукм қилинганлар эса Андижон турмасидан олиб чиқилиб қатлгоҳда отилган.

Улар мамлакатнинг Шимол, Сибир, Узоқ Шарқ ҳудудларидаги ГУЛАГ қамоқхоналарига сургун қилинганлар ва уларнинг кўпчилиги юртга қайтаолмаган. Очлик, касаллик, қаҳратон совуқ, тинка мадорни қуриладиган оғир меҳнат, жисмоний ва руҳий азоблар, оиласига, юртга бўлган ташналик, хор-зорликлар туфайли ҳалок бўлганлар, кафансиз, жанозасиз ер бағридан жой олганлар.

ХУЛОСА

Шукурки, истиқлолдан кейин мозийнинг энг кир, қора кунлари бўлган, бугунги тарихшуносликда “Катта қирғин” дея баҳоланаётган 1937-1938 йилларга холис, миллий истиқлол мафқурасидан келиб чиқиб ҳаққоний баҳо берилди. Шунга доир тадқиқотлар, асарлар яратилди, яратилмоқда.

Айниқса, бу даврда кўплаб инсонларга қўйилган айблар атайин тўқиб чиқарилгани, ёки ўз ҳақ-ҳуқуқини кўтариб чиққан шахслар ҳам ОГПУ-ГПУ-НКВД идоралари томонидан сохталаштирилган ҳужжатлар асосида айблангани маълум бўлди.

Шундай қилиб 1937-38 йиллар даври "Катта қирғин" даврининг кульминацион нуқтасидир. Биз бу "Катта қирғин" кимлар томонидан "ижод қилинган" ва бу мудҳиш фожеанинг илдизлари чуқур эканлигининг ва уни аниқлаш йўлида турли қарашлар, талқинлар борлигининг ҳам шоҳиди бўлдик.

Юқоридаги фикрлардан шу нарса аён бўладики, сиёсий қатағон ва унинг бир қисми "Катта қирғин" нинг юзага келишида муайян объектив сабаблар ҳам бўлган. Партия ва совет ҳокимиятига, айниқса уларнинг раҳбариятига қарши қаратилган муҳолифат кучлар кураш олиб бориб, сиёсий ҳокимиятни ўз қўлларига олиш учун бор имкониятларини ишга солиб, барча воситаларни қўллаб, тиш тирноқлари билан жанг олиб бордилар. Бундан ташқари, мамлакатнинг турли минтақаларидаги, ҳатто пойтахт Москва ва бошқа йирик шаҳарларда узоқ вақтдан бери раҳбарлик лавозимларини эгаллаб келаётган партия функционерлари мавқеларини, раҳбарлик лавозимларини қўлда сақлаб қолиш мақсадида "аксиланкилобчилар", "советларга қарши кучлар", "собик қулоқлар", "жиноятчилар". "советларга қарши кучлар", "собик қулоқлар", "жиноятчилар", советларга сайлов ўтказиш жараёнига қаршилик кўрсатаётганликларини рўқач қилиб, рақибларига нисбатан кескин репрессив чоралар кўришни Марказдан, Сиёсий бюродан, Сталиндан сўраб мурожаат

қилдилар. Аслида улар 1936 йилги СССР Конституциясида белгилаб берилган янги сайлов тизимига қарши ўт очган эдилар. Чунки янги сайлов тизимида реал ҳокимиятни партиядан халқ қўлига олиб бериш, кенг халқ демократиясини жорий қилиш, давлатчиликни мустаҳкамлаш вазифалари илгари сурилган эди. Янги сайлов тизими асосида сайлов ўтказиш туфайли ана шу маҳаллий партия раҳбарлари реал амал-вазифаларидан маҳрум бўлишлари кутилди. Шу боис партия функционерлари барча "советларга қарши кучлар" – собиқ кулоқлар ва жинойтчиларни қамсоққа олиш, отувга ҳукм этиш таклифлари билан Марказга мурожаат қилдилар. Хуллас, 1937-1938 йиллардаги "Катта қирғин" нинг юзага келишида маҳаллий партия функционерларининг ўрни ва роли ҳам оз бўлмаган шохиди бўлди.

Ўзбекистонда ҳам ана шу маҳаллий партия функционерлари янги сайлов тизимидан кўрқиб, ҳадиксираб, хавфсираб Марказга йўллаган хатларида, ахборотларида, расмий йиғилишларидаги чиқишларида республиканинг шаҳар ва қишлоқларида, саноат корхоналарида. Колхоз ва совхозларда, ўқув муаасаларида, халқ хўжалиги тармоқларида антисовет кучлар, буржуа миллатчилари, руҳоният вакиллари, собиқ кулоқлар, жинойтчиларни зудлик билан қамсоққа олиш, энг учига чиққанларини отиб юбориш таклифларини баён қилдилар. Оқибатда маҳаллий ташаббус инobatга олинди, хатто Ўзбекистон раҳбарияти Марказдан қатағон қилинадиганлар сонини ошириб бериш тўғрисида кўшимча лимит беришни илтимос ҳам қилди. Бу жараён Андижон округи ҳам четда қолмади. Яни 1937-1938 йиллардаги Катта қирғин даврида жами 1595 нафар андижонлик маҳбус устидан ҳукм чиқарилган

Барча жойларда бўлганидек, СССР Ички ишлар халқ комиссари Ежовнинг 1937 йил 30 июлдаги 00447-сонли мутлақо махфий тамға остидаги "Собиқ кулоқлар, жинойтчилар ва бошқа антисовет элементларни" ни қатағон қилиш бўйича операция ўтказиш тўғрисидаги оператив буйруғи Ўзбекистонда ҳам тезкорлик билан бажарилди. Бу улкан "вазифани" бажаришда республика, округ, район партия ташкилотлари, советларнинг ижроия комитетлари, Ички ишлар халқ комиссарлиги ва унинг жойлардаги сектор ва бўлимлари ходимлари жонбозлик кўрсатдилар. Бу операцияни ўтказишда кўплаб ноқонуний тадбирлар амалга оширилди, инсон ҳақ-ҳуқуқлари мислсиз топталди, бегунох юртдошларимизга тўқима, сохта айблар қўйилди, хилма-хил чақувлар, тухматлар ишга солинди, тергов чоғида маҳбуслар беҳад қийновга, ҳам жисмоний, ҳам руҳий азобга солинди. "Учлик" нинг ҳукми билан минглаб одамларимиз отувга ҳукм этилди, ҳукмлар жойларда тезкорлик билан ижро этилди, ҳар бир округда қатлгоҳлар, номаълум

қабристонлар пайдо бўлди. 8-10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган қатағон қурбонлари узоқ-узоқ юртларга—Шимолга, Узоқ Шарққа, Сибирга, Уралга, Шимолий Қозоғистонга сургун қилиндилар. Уларнинг катта қисми ўша бегона юртларда қамок азобларига бардош бераолмай ҳалок бўлдилар, жуда ҳам оз қисми кейинчалик озод бўлиб юртга қайтдилар.

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайъёр сессиясининг 1938 йил октябрида Тошкентда ўтказилган йиғилишларида қатағон қилинган 507 нафар юртдошлардан фақат Андижон вилоятида туғилиб камол топган айрим раҳбар ходимларнинг қисмати ҳақида айрим маълумотларни келтириб ўтдик.

"Катта қирғин" қурбонлари СССРдаги қайта қуриш даврида ва Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг реабилитация қилиндилар. Шунингдек ишда Андижон округидан қатағон домига тортилган андижонликларнинг миқдори, уларга "учлик" томонидан қўйилган айблов ҳуласалари таҳлил қилинди, уларнинг ҳудудий бўлиниши яъни Андижон округи мисолида, ижтимоий, миллий таркиби ҳақида маълумотлар келтирилган. Магистрлик диссертацияда "Катта қирғин" даврида андижонлик айбсиз айбдор қилинган инсонлар ҳақидаги, уларга қўйилган кўплаб сохта айблар, уларнинг қандай жазолангани тўғрисидаги маълумотлар берилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

1. Расмий ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.А.Каримовнинг асарлари

- 1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
- 1.2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
- 1.3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998. -31б.
- 1.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”. – Тошкент, 1999 йил 12 май.
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”. – Тошкент, 1999 йил, 22 июль
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”. – Тошкент, 2001 йил 1 май.

- 1.7. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
- 1.8. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. 439 б.

2. Архив хужжатлари:

- 2.1. “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция ҳайрия жамғармаси илмий фонди материаллари.

3.1. Адабиётлар:

- 3.1.1. М.Маҳмудов. Барҳаёт сиймолар. Тошкент, “Ўзбекистон” 1991.198Б.
- 3.1.2. Раҳмонқулова А. Шўро тузумининг 1930-50 йиллардаги катагонлик сиёсати ва уни усуллари. // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2000. - № 1,2. - Б. 96-101.
- 3.1.3. Шамсутдинов Р.Т. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. –Т.: Шарқ, 2001.
- 3.1.4. Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.:Шарқ, 2001.
- 3.1.5. Шамсутдинов Р.Т. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Т.: Шарқ, 2003.
- 3.1.6. Ражабов Қ. Истиқлол шаҳидлари ҳақида икки китоб. // Жаҳон адабиёти. 2003. - № 2.
- 3.1.7. Шамсутдинов Р.Т.Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. –Т.: Шарқ, 2006.
- 3.1.8. Ватанимиз ўтмишидан. -Андижон, 2007. – 200 б.
- 3.1.9. Шамсутдинов Р.Т. Катта қирғин айбдорлари ҳақида янги талқинлар. - Андижон, 2007.

3.2. Хужжатлар ва материаллар тўпламлари.

- 3.2.1. Репрессия: 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск №1. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Каримов Н.Ф., Юсупов Э.Ю. отв. ред. Н.Ф.Каримов. – Т.: Шарк, 2005, - 285 с.
- 3.2.2. Шамсутдинов Р.Т. Қатағон қурбонлари.(1937 йил 10 август-5-ноябрь). Иккинчи китоб. Масъул муҳаррир Н.Ф.Каримов. –Т.: Шарк, 2007.
- 3.2.3. Репрессия 1937-38гг. Документы и материалы. Выпуск 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э, Мамажонов А, Дўсматов Э. – Т.: Шарк, 2007. –495 с.
- 3.2.4. Репрессия 1937-38гг. Документы и материалы. Выпуск 4. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. Сост: Шамсутдинов Р.Т., Абдуллаев М., Дўсматов Э.П., Курбанов Х.Р. –Т.: Шарк, 2008. – 573 с.
- 3.2.5. Қатағон қурбонлари. Бешинчи китоб Тузувчилар: Р.Т.Шамсутдинов, Х.Р.Қурбонов, Ж.Расулов, Ф.Эгамбердиев, У.Бекимбетов. “SHarq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент – 2009. 412 б

4. Диссертация ва диссертация автореферати:

- 4.1. Абдуллаев М.Ғ. Ўзбекистонда советларнинг қулоқ қилиш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари (1925-1945йиллар). Фан номзоди дисс. автореферати. - Тошкент, ЎЗР ФА, 2002. – 30 б.
- 4.2. Мамажонов А. Коллективлаштириш жараёнида Ўзбекистон қишлоқ-ларидан Шимолий Кавказга сургун қилинганлар. Фан номзоди дисс. автореферати. - Андижон, АДУ. 2005. – 32 б.
- 4.3. Акбарова М.Л. Ўрта Осиёдан Қозоғистонга сургун қилинган қулоқлар, уларнинг хаёти ва тақдири (1926-1956-йиллар) Тошкент, ЎЗР ФА, 2010. – 30 б.